Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 134 (5725).
13 ИЮНЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ЖОНАЖОН ПАРТИЯ!

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари партия XXVII съезди, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш, 1985 йил ва бутун беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1985 йилнинг январь — май ойлари учун белгиланган давлат планини муваффақиятли бажардилар.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича беш ойлик планни 101,4 процент, товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 101,3 процент бажарди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 1,3 процент ортиғи билан адо этилди, бунинг ҳисобига қўшимча 21,6 миллион сўмлик товар маҳсулот олинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги эса 1984 йилнинг январь — май ойларига нисбатан 4,4 процент юксалди. Меҳнат унумдорлигининг планга қўшимча ўсиши 1,3 процент бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 84,9 процентга етди. Маҳсулот таннархининг планга қўшимча пасайиши 0,02 процентни ташкил этди.

Таъминот бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш плани 98,1 процент бажарилди. Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқни Киров районидан бошқа шаҳардаги барча районлар бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда Ленин, Куйбишев, Чилонзор ва Сергели районлари энг юксак суръатларга эришдилар.

1985 йилнинг январь — май ойларида Тошкент саноати планга қўшимча 22 миллион 577 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов райони 1490 минг сўмлик, Куйбишев райони 3287 минг сўмлик, Ленин райони 3407 минг сўмлик, Октябрь райони 2.701 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 1.813 минг сўмлик, Сергели райони 1.502 минг сўмлик, Фрунзе райони 938 минг сўмлик, Ҳамза райони 7000 минг сўмлик, Чилонзор райони 965 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариб реализация қилдилар.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда қуйидаги корхоналар энг юксак суръатларга эришдилар:

— «Узбексельмаш», «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш, Тошкент мармар, Сергели мебель, «Матбуот» полиграфия, «Ташкентхлеб» бирлашмалари;

— электрон техника, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир группа заводлари, «Средазгазавтоматика», подшипник ремонти, лак-бўёқ, «Миконд», ошхона ва бошқа мебеллар заводлари;

Тошкент ўйинчоқлар, бош кийимлар фабрикалари;

Булка-кондитер, ёг-мой, 2-дон маҳсулотлари комбинатлари.

Шаҳар индустрияси шу йилнинг январь — май ойларида мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча 110 километр сим, 22 компрессор, 42 йигирув машиналари, 1 та электр кўприк крани, 25 пахта териш комбайни, 37 трактор, 51 чигит экиш сеялкаси, 35 тонна қоғоз, 148 минг дона трикотаж буюмлари, 19 минг жуфт чулки-носки буюмлар, 63 минг жуфт пойафзал, 7 минг 638 тонна омухта ем, 110 тонна макарон маҳсулотлари, 264 тонна ўсимлик мойи, 291 тонна маргарин ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналари шартнома мажбуриятларини бажара бориб, халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга етказиб бериш бўйича беш ойлик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Шу билан бирга тўрт ойлик иш якунлари бўйича ўн бир корхона саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича план-топшириғини уддалай олмади. Бу «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташавтоматика» заводи, 2-темир-бетон буюмлари заводи, 2-уйсозлик комбинати, грампластинкалар заводи, рўзғор буюмлари заводи, «Ўрток» кондитер фабрикаси, қоғоз, тамаки фабрикалари, 10-босмахонадир. Улар планга нисбатан 3.732 минг сўмлик маҳсулот реализация қилмадилар.

Умуман Киров район саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича планни уддалай олмади. Бу корхоналарда таъминот бўйича шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш кўрсаткичи паст.

Тошкент меҳнаткашлари партиянинг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг экономикани интенсив ривожлантириш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, республика ва шаҳар ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Барча меҳнат коллективларида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида мусобақа кенг қулоч ёйди.

Энг муҳими ҳозир ҳамма жойда ишлаб чиқариш резервларини излашдан, энг яхши коллективларнинг илғор тажрибаси билан қуроллашишдан иборат. Ишни шундай ташкил этиш керакки, токи ои моддий-техник ҳаражатлар билан ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги йили ва бутун беш йиллик учун белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш мумкин бўлсин.

Ҳар бир кишининг бурчи белгиланган топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига ўз улушини қўшиб, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишдан иборат.

ЭКОНОМИКАНИ ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

Кеча хабар қилинганидек, 11 июнь куни КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш очилди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» мавзуида қилган докладини муҳокама қилишаркан, жамиятимизнинг соцнал-иқтисодий ривожланиш изига ўтказиш билан боғлиқ туб масалалар тўғрисида манфаатдорлик ва талабчанлик билан сўз юритмоқдалар.

Совет олимлари, деди СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Е. П. Велихов**, фан-техника тараққиётининг партия ишлаб чиққан илҳомбахш программасини астойдил қўллаб-қувватлайдилар, уни КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини реал тарзда ривожлантириш деб биладилар. Биз бу вазифани ҳал этишга олимлар анча катта ва салмоқли ҳисса қўшишлари мумкин ва лозимлигини равшан англаб турибмиз. Ҳар бир тадқиқотчи тарихий даврнинг масъулиятли эканини, бу умумхалқ юришидаги ўз ролини янгича тушуниши ҳам зарур.

Янги илмий техникавий ечимлар негизида корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш узоқ вақтдан бери пойтахт саноати ривожлантирилишининг бош йўналиши бўлиб келмоқда, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин**. Меҳнат унумдорлигини кескин ошира оладиган, маҳсулот таннархини камайтириб, сифатини яхшилай оладиган принципиал янги техникани ва технология жараёнларини жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Саноат роботлари, ЭҲМлар, бошқа замонавий техника воситалари асосидаги эпчил технологияларни жорий қилиш, бу ишнинг муҳим соҳасидир.

Реконструкциялаш — узлуксиз жараён, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим воситасидир, деб таъкидлади нотиқ. СССР Госплани ва министрликлар билан биргаликда Москва халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини 1986—2005 йилларга мўлжалланган комплекс программаси ишлаб чиқилган кунда пойтахтни ривожлантириш вазифаларини эътиборга олиб, халқ хўжалигида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Ноғиқ илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришда Москва партия ташкилотининг ролига алоҳида эътибор берди, илм-фан билан меҳнатнинг иттифоқи самарадорлигини кўрсатувчи мисолларни айтди. Бироқ деб уқтирди у, шаҳар халқ хўжалигида, илмий муассасаларнинг ишида ҳали кўпгина камчиликлар, ҳал этилмаган масалалар, муаммолар борки, улар олға томон қиладиган ҳаракатимизга тўсқинлик қилмоқда. Камчиликлар М. С. Горбачевнинг докладида танқид қилинганлиги Москва корхоналарига ва ташкилотларига ҳам тўлатўкис тааллуқлидир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун тадбирларнинг комплекс системаси зарур, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Бу система ишлаб чиқаришнинг техникавий негизига, шу жумладан планларни ишлаб чиқишга, умуман корхона учун ҳам, ҳар бир меҳнатчи учун ҳам иқтисодий омиллар ва воситаларга, истиқболга мўлжалланган яхлит фан-техника сиёсатини ишлаб чиқишга таъсир ўтказиши керак.

Фан-техника тараққиётини одамлар амалга оширадилар, деб таъкидлади нотиқ. Партия ташкилотларининг меҳнаткашлар билан ишлашини кучайтириши, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлидан борган тақдирдагина жамиятимизни такомиллаштиришни, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ўстиришга, халқнинг фаровонлигини оширишга эришиш мумкинлигини ҳар бир киши астойдил тушуниб олишига муваффақ бўлишини ўз вазифамиз деб биламиз.

Омскдаги «Омскшина» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **П. В. Будеркин** корхонада техникавий реконструкцияни амалга ошириш тажрибасини ўртоқлашди, коллектив дуч келган муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида гапирди. Шу жараённи амалга оширадиган корхона мушкул шароитга тушиб қолади, чунки реконструкциялаш даврида муқаррар содир бўладиган чиқимлар план кўрсаткичларида эътиборга олинмаяпти, деб уқтирди у. Қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишлаб турган цехлардаги ишни кучайтиришни мунчалик хоҳламасликлари масаланинг иккинчи томонидир.

Қурувчиларни ишлаб турган корхоналардаги ишларни бажаришдан манфаатдор қила оладиган моддий рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш зарур. Қурилишни ва хўжалик усулида реконструкциялашни янада кенг миқёсда ривожлантириш ишлаб турган корхоналарнинг самарадорлигини ва техника билан қайта қуроллантириш даражасини кескин ошириш имконини беради.

Ленинград шаҳри ва областининг иш тажрибаси, деди КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Зайков**, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кенг миқёсда интенсивлаштирган тақдирдагина экономикани муттасил юксак даражада ўстиришни, маҳсулотнинг сифатини, пишиқ-пухталигини ва рақобат қобилиятини оширишни, янги техникага меҳнат ва материал сарфини камайтиришни таъминлаш мумкинлигини тасдиқлаб турибди. Партия Марказий Комитети маъқуллаган «Интенсификация—90» территориал-тармоқ программаси шу вазифани ҳал этишга қаратилган.

Нотиқ илм-фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришни чуқурлаштириш проблемасига тўхталиб, бошқа шаҳарларда бўлгани каби Ленинградда ҳам илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш жараёни асоссиз равишда сусайиб қолганлиги, ҳозирги вақтда эса амалда тўхтаб қолганлиги хусусида таассуф билдирди. Ленинград область партия комитети ҳозир мустақил балансда бўлган бир қанча илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технология ташкилотларини бирлашмалар составига қўшимча равишда киритишга доир таклифларни тайёрлади.

Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин ҳали унчалик кўп вақт ўтгани йўқ, деб уқтирди ўз нутқида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Э. А. Шеварднадзе**, аммо унинг жуда катта аҳамияти ҳозирнинг ўзидаёқ яққол намоён бўлди.

Нотиқ республика социал-иқтисодий тараққиётининг юксак суръатлари ҳақида гапириб, айрим кўрсаткичлар жиҳатидан ҳали Грузия илғор регионлардан орқада қолаётганлигини уқтирди. Фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаш орқали ривожланишни янада жадаллаштиришга эришиш мумкин.

Республикада фан-техника тараққиётини бошқариш системасини вужудга келтиришга ҳаракат қилдик. Гап аввало партиявий раҳбарлик тўғрисида бормоқда. Мана, уч йилдан ортиқ вақтдан бери Грузия Компартияси Марказий Комитетида, область, шаҳар ва район комитетларида илм-фан ва фан-техника тараққиёти масалалари билан шуғулланувчи мувофиқлаштириш кенгашлари ишлаб келмоқда, уларга биринчи секретарлар раҳбарлик қилмоқда.

Аграр фанни ишлаб чиқариш билан бирлаштириш системаси диққат-эътиборга сазовордир, деди сўнгра нотиқ. Республикадаги шу тармоқнинг ҳамма институтлари ва илмий бўлинмалари энди ВАСҲНИЛ регионал бўлимининг қарамоғига топширилган, бу бўлим ўз навбатида икки ёқлама бўйсуниш принципи асосида Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш давлат комитетига киритилган. Шу системанинг ўзида илм-фан янгиликларини жорий этиш маркази тузилган, районлардаги агросаноат бирлашмаларида эса фан-техника тараққиёти бўлинмалари ташкил этилган.

Мана шу структурали бўлинмаларнинг ҳаммаси мавжуд штатлар ва молиявий фонд доирасида ёки ортиқча бўғинларни тугатиш ҳисобига тузилган, бундай ортиқча бўғинлар республикада ва мамлакатда ҳали ҳам кўп. Бу бўғинларни тугатиш фан-техника тараққиёти манфаатларига мос бўлиб тушади. Республикадаги қурилиш министрликлари каби Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Сельхозтехниканинг бирлаштирилганлиги ишга фақат фойда келтирди.

Илм-фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришнинг янги принципи кўпгина мавжуд нормалар, инструкцияларни ўзгартиришни талаб қилади. Ўз умрини яшаб бўлган, эскирган норма ва инструкцияларни дарҳол янгилаш керак, деди нотиқ.

Новосибирск область Ординское районидаги «Большевик» колхозининг раиси **Ю. Ф. Бугаков** қишлоқ хўжалиги учун фан-техника тараққиётининг аҳамиятини ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик турмушидан олинган мисоллар билан исботлади.

Бугун муҳокама қилинаётган проблемалар қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларидан ишлаб чиқариш резервларига янада эътибор билан қарашни талаб қилади. Биз техникага, унинг сифатига нисбатан янада юксак талаблар қўйишимиз керак. Яратилаётган техниканинг қулайлиги учун конструкторлардан қаттиқроқ талаб қилиш пайти келди. Механизатор 10—15 йил ишлагач, касб касалига чалинишини нормал бир ҳол деб бўладими, ахир? Қудратли тракторлар тиркаладиган зарур қуроллар билан тўла-тўкис таъминланганлиги масаласини биз бир неча бор кўтариб чиқдик. Чорвачиликнинг самарадорлигини ошириш йўлида ҳам бир талай тўсиқлар бор. Ем-хашак тайёрловчи техниканинг сифати ҳусусида механизаторлар шикоят қилмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Ҳиндистон Республикаси Бош министри Ражив Гандининг 1985 йил 21—26 май кунлари СССРга қилган визити тўғрисидаги ҳужжатлар ва материаллар тўплами босмадан чиқди. Унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Р. Ганди нутқлари, музокаралар ва Совет — Ҳиндистон ҳужжатларини имзолаш ҳақидаги ҳисоботлар, бошқа материаллар эълон қилинган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 12 июнь. (ТАСС). Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних «Салют-7» станциясининг ташқи системалар ва асбоб-ускуналарини консервация ҳолатидан чиқазиш борасидаги ишларни давом эттирмоқдалар.

Кеча космонавтлар станцияни энергия билан таъминлаш системаси устида кўп ишларни бажардилар. Улар станция ичидаги аккумуляторларни зарядлашни давом эттирдилар. Қуёш батареяларининг панелларини бошқарувчи органлар ишлашини текшириб кўрдилар ва электрик характеристикаларини аниқлаш учун зарур ўлчов ишларини бажардилар.

Ҳаёт фаолиятини таъминлаш системаси консервация ҳолатидан чиқарила бошлади. Регенераторлар, зиёнли аралашмаларни ютувчи аппаратлар, газ анализаторлари ва оксат ютувчи плита станция ичидаги электр тармоғига уланди.

Бугун Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних радиоалоқа воситаларини текширгш билан шуғулланмоқдалар, айрим система ва аппаратларнинг иш режимларини назорат қилмоқдалар.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этаётганликларини алоқа сеанслари чоғида маълум қилдилар.

ИШЧИЛАРГА—САРХИЛ САБЗАВОТЛАР

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» НАМУНАСИ



Яхши меҳнат кайфияти ишчи ва хизматчиларнинг юксак унумли меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш билангина эмас, уларнинг турмуши ҳақида атрофлича ғамхўрлик қилган тақдирдагина вужудга келади. «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида айнан ана шу йўлдан боришди ва бу меҳнат унумдорлигини оширишда, план-топшириқларининг бажарилишида ўз ифодасини топди.

Бирлашма дирекцияси, партия комитети ва жамоат ташкилотлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг бевосита корхонада сотилишини кўзда тутувчи тадбирлар комплексини ишлаб чиқдилар. Ишчилар сменадан сўнг ёки танаффус пайтида савдо комплекси магазинларига кириб, рўзғор учун зарур нарсаларни харид қилишлари мумкин. Комплексда кенг ассортиментда сабзавот ва мевалар, озиқ-овқат ва саноат моллари бор.

Сабзавот магазини мудири А. Исматова шундай дейди:

— Бизга сабзавот ва мевалар Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоздан шартнома мажбуриятлари бўйича келтирилади. Пештахталарда сабзи, пиёз, картошка, кўкатлар ҳамиша муҳайё. Иш вақтини ҳаридорларга қулай тарзда ташкил этганмиз. Товар оборотн плани мунтазам ортиғи билан бажарилади. Ҳар ойда 14 минг сўмликдан зиёд савдо қиламиз.

Бошқа магазинларнинг иш вақти ҳам ишчиларга қулай ташкил этилган: озиқ-овқат магазинидан улар гўшт маҳсулотларини, консерваларни харид қилишлари мумкин, шаҳар универсал магазинининг филиали — саноат моллари магазинида буюртмалар қабул қилиниб, тезлик билан бажарилади.

Мазкур комплексни бирлашма ўз кучи билан қурганлиги, зарур жиҳозлар билан таъминлаганлиги диққатга сазовордир.

Тошкентнинг бошқа йирик корхоналарида ҳам ишчиларни озиқ-овқатлар, кўкатлар билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги маълум. Аммо ҳамма ерда эмас. «Узбексельмаш» намунаси кўп нарсадан далолат беради. Бошқа корхоналар, муассасалар ташкилотлар ҳам ишчи ва хизматчиларни сархил дала неъматларн билан таъминлаш соҳасидаги бу тажрибани ўрганишса яхши бўлар эди. «Ташплодоовошч» бирлашмаси, улгуржи чакана савдо идоралари бу соҳада уларга катта ёрдам беришлари мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Узбексельмаш»нинг савдо комплекси; мева ва сабзавотлар магазинида; пештахталарда — дала неъматлари.

Е. Ботиров фотолари.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА

● **«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўнинчи цехида ўрнатилган рақамли программа билан бошқариладиган янги станокларни созлаш бошланди. Шу йил корхонада бундай замонавий юксак унум билан ишлайдиган дастгоҳлардан тўққизтаси ишга туширилади. Бу ускуналарни фақат бир оператор бошқаради.**

● **«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида хом ашё ва материалларни сақлаш учун йирик омбор қурилиши бошланди. Уч минг квадрат метрга яқин саҳнни эгаллайдиган бу омборда кўп меҳнат жараёнлари механизмлар зиммасига юкланади. Москвадаги «Кабельпромпроект» институтининг мутахассислари омборни механизациялаш лойиҳасини тайёрлаб беришмоқда.**

● **«Энергопроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими ходимлари иш кунидан бўш вақтларида меҳнат қилиб, топган маблағларини Тинчлик фондига ўтказишди. Лойиҳачиларнинг 1832 сўм пули Тинчлик иши учун армуғон этилди. Бундан ташқари 103-автомобиль корхонаси 1542 сўм, тажриба-ишлаб чиқариш фабрикаси 1873 сўм, «Компрессор» заводи 1180 сўм пулни Тинчлик фондига ўтказди.**

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 17—19, эртага кундузи 36—38 даража иссиқ бўлади.

ГРЕЦИЯДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

• Шарҳчи сатрлари

Грецияда бўлиб ўтган муддатидан илгари парламент сайлови сўл кучларнинг муваффақияти билан якунланди. Сайлов ўнг оппозицияда сўл кучлар номзоди Х. Сардзетакисининг мамлакат президентлигига сайланганлигини тан олган кейин ҳукмрон Умумгреция социалистик ҳаракат партияси (ПАСОК) депутатлари тақдим этган парламентнинг роли ни кучайтириш ва республика президенти ваколатларини чеклаш тўғрисидаги қонун лойиҳасига қарши чиққан май, ҳукмрон Умумгреция социалистик ҳаракат партияси (ПАСОК) депутатлари тақдим этган парламентнинг роли ни кучайтириш ва республика президенти ваколатларини чеклаш тўғрисидаги қонун лойиҳасига қарши чиққан

Греция НАТОнинг жанубий-шарқий қанотида стратегик мавқеини эгаллаб турганлиги, Афина кейинги вақтда мустақил ташқи сиёсатни актив ўтказиб келаётганлиги туфайли бу сайлов бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди.

ПАСОКнинг раҳбари А. Папандреу сайловолди кампанияси вақтида сўзлаган нутқида социалистлар муваффақиятга эришган тақдирда Американинг Греция территориясидаги ҳарбий базаларини тугатиш, Ғарбий Европада Америка «Першинглар»и ва қанотли ракеталарининг жойлаштирилишига қарши, Болқонда ядросиз зона вужудга келтириш учун, Ўрта денгизни барқарор тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш учун курашни аввалгидек давом эттиравершини таъкидлади. ПАСОК ҳокимият тепасида турган уч ярим йил мобайнида мамлакат ҳаётини демократлаштиришга қаратилган қадамлар қўйди, жумладан иккинчи жаҳон уруши давридан буён қувғин остига олиб келинган миллий қаршилик ҳаракати расмий равишда эътироф этилди, сиёсий муҳожирларнинг ҳуқуқлари тикланди, бир қанча социал тадбирлар амалга оширилди.

«Янги демократия» деб аталмиш дабдабали ном берилган оппозициядаги ўнг партия ўзининг натопарастлик, америкапарастлик йўлини шуҳрат келтирмаслигини очиқдан-очиқ англаб, ўзининг асосий зарбасини иқтисодий қийинчиликларга ишсизлик ва инфляция, ташқи қарзнинг мислсиз даражада ортиб кетганлигига қаратди. Маълумки, Грециянинг «умумий бозорга аъзо бўлиб кириши мамлакат иқтисодий аҳволини кескинлаштириб юборди.

Греция Коммунистик партияси мамлакатдаги учинчи энг йирик сиёсий партия сифатида ПАСОКнинг ички, шунингдек кўпинча ташқи сиёсат соҳасидаги маълум нонизчиллигини танқид қилди, туб демократик ўзгаришлар қилинишини, Греция территориясидан ядро қуроли олиб чиқиб кетилишини, мамлакатнинг НАТОдан чиқишини ёқлаб иш олиб бормоқда. Греция Коммунистик партияси Вашингтоннинг мадади билан мамлакат ичкарисидаги ўнг кучлар активлашиб қолганлигини ҳисобга олиб, сайлов олдидан ПАСОКка мамлакатни демократлаштиришни амалга оширишда, мустақил ташқи сиёсатни мустаҳкамлашда куч-ғайратни бирлаштиришни таклиф этди.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳчиси.

ЭКОНОМИКАНИ ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Челябинск области — мамлакатнинг йирик индустриал ва қишлоқ хўжалик районидир. Аммо область саноати ҳали беш йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олгани йўқ. Озиқ-овқат программасида белгиланган топшириқларнинг бажарилиши таъминланмади. КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари **Г. Г. Ведерников** бу аҳволнинг сабабларини таҳлил этиб, кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари партия комитетларининг сукутли розилиги билан ўзлари учун қулай бўлган, тузатилган планлар белгиланишига эришиб олганликларини уқтириб ўтди. Бу эса область экономикасига партиявий раҳбарликдаги жиддий камчиликлардан дарак беради. Планлаштиришдаги бундай ўзбошимчалик кўпгина министрликлар ва планлаштирувчи органлар беш йиллик планларнинг лойиҳаларини чуқур ва пухта ишлаб чиқмаётганликларидан, меҳнат коллективларининг таклифларини етарли ҳисобга олмаётганликларидан ва объектив сабабларни кўрсатиб, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётганликларидан далолат беради.

Ҳозир партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист олдига экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишнинг марказига қўйиш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни ошириш, фаолият услубини тубдан яхшилашдан иборат биринчи даражали вазифа қўйилмоқда. деб таъкидлади нотиқ.

Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри **М. С. Шкабардня** бундай деди: министрлик халқ хўжалигининг эҳтиёжларини автоматлаштириш воситалари билан таъминлаш тадбирларини кўраётган бўлса ҳам, бироқ қувватлар чекланганлиги оқибатида шундай программаларни қондириш даражаси ҳали етарли эмас. Ҳисоблаш техникаси, рақамли программа асосида бошқариладиган қурилмалар, бир қанча тармоқлар учун керакли приборлар ва системаларнинг айниқса етишмаётганлиги сезилиб турибди. Шу билан бирга маҳсулотнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш резервларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланиб бўлингани йўқ. Янги техникани ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш — бу ишдаги бош масаладир.

Биз, деди нотиқ, тармоқ илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг таркиби ҳамда тузилишини синчиклаб кўриб чиқдик ҳамда ихтисослаштириш ва территориал хусусиятларни ҳисобга олиб, мавжуд ишлаб чиқариш бирлашмалари ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини анча йириклаштириш юзасидан, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларини корхоналар билан бирлаштириш негизида янги бирлашмалар тузиш юзасидан мулоҳазаларимизни тайёрладик. Дастлабки тахминларга кўра, мана шу тадбирнинг ўзигина янги мураккаб буюмларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш муддатларини қарийб бир йил қисқартириш имконини беради.

* * *

12 июнь куни кенгаш ўз ишини давом эттирди. Кенгаш ишида **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громыко, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, В. В Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар иштирок этмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари халқ хўжалигининг энг муҳим проблемалари ва истиқболлари тўғрисида, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлидаги ғовларни бартараф этиш, шунинг ҳисобига жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш ҳақида рўй-рост, ишчанлик билан гапирдилар.

Партиянинг совет кишилари, айниқса, шахтёрлар меҳнати ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги мен, ишчига азиздир, деди Кемерово областидаги «Прокопьевскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Зиминка» шахтасининг бригадири **В. С. Костин.** Кейинги вақтларда кўмир саноатини техника билан қайта қуроллантириш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Аммо, афсуски, кўмир қазиб чиқаришни ва кончиларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга йўл қўймаётган бир қанча проблемалар бор. Шахталарни реконструкция қилишдаги қолоқлик, кўмир корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришдаги сусткашлик ана шу проблемаларнинг асосийларидир.

Мен қарийб саккиз йилдан буён кончилик-геология жиҳатидан энг мураккаб районларнинг бирида тик қатламларни қазиб олувчи комплекс механизациялаштирилган бригадага бошчилик қилиб келмоқдаман, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Биз учун реконструкция ҳаётий муҳим масаладир. Бироқ катта тик қатламларни қазиб олишни механизациялаштириш учун замонавий техника умуман ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Биз кичик механизация воситаларига, айниқса, муҳтожмиз.

КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари **А. Г. Мельников** қуйидагиларни айтди: ҳаётнинг ўзи барча тармоқларни кескин интенсивлаш йўлларини жадаллик билан қидириб топишга, ташкилотчилик, фан-техника ва бошқарув сиёсатида анъанавий бўлмаган қарорларни қўллашга бизни мажбур этмоқда. Аввало, область партия комитети раҳбар кадрлардан планларни доимо оғир шароитларни ҳисобга олиб тузишларини, нобудгарчиликларга йўл қўймасликларини, Сибирда тез-тез бўлиб турадиган экстремал вазиятларни рўкач қилмасликларини талаб этмоқда.

Биз меҳнат ресурсларини тақсимлаш динамикасига асосланиб, йилнинг бошланғич даврида ишнинг қизғинлигини кучайтирдик, кўп йиллардан буён саноат маҳсулоти ҳажмининг 26 процентини биринчи кварталда ишлаб чиқармоқдамиз, уй-жойларнинг камида 20 процентини фойдаланишга топшириб, ишончли замин яратиб қўймоқдамиз. Кўпгина министрликларнинг, планлаштириш ва таъминот органларининг планларида интенсивлашнинг мана шу яққол кўриниб турган резерви мустаҳкам ўрин олмаётганлиги таассуфга лойиқдир.

Жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг докладда таърифланган ва кенг миқёсда асослаб берилган концепцияси, деди СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг экономика ва саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш институтининг директори академик **А. Г. Аганбегян,** фан ва техниканинг олий ютуқлари негизида ижтимоий ишлаб чиқаришда интенсивлаш проблемаларини кўриб чиқиш чоғида йўлчи юлдуз, деса бўлади.

Техника ва технологиядаги сифатли сакраш, принципиал янги технология системаларига ўтилиши фан-техника революциясига хос хусусиятлардир, деб таъкидлади нотиқ. Бунда ана шу системалар одатда яхлит бир бутун бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини бошдан охиригача қамраб олади. Бундай системаларни ишлаб чиқиб, жорий этишни қудратли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ кўринади. Бундай илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ягона бошлиқ қўл остида тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотларини, тажриба ишлаб чиқариш корхоналарини, бир қанча туркум заводларини, жорий этувчи, монтаж қилувчи ташкилотларни, шунингдек, ремонт қилувчи ва хизмат кўрсатувчи, кадрларни қайта тайёрловчи марказларни бирлаштириш йўли билан ташкил этиш лозим бўлади.

Фан ва техникани ривожлантиришнинг кенгашимизда олға сурилган туб йўналишларини амалда рўёбга чиқариш, шубҳасиз, ишлаб чиқаришни интенсивлашга, мамлакат халқ хўжалигини бошқаришнинг барча бўғинларини такомиллаштиришга самарали таъсир ўтказади, деди Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Назарбоев.** Барча иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Қозоғистонда ҳам вужудга келтирилган илмий-техника потенциали катта-катта халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш имконини беради. Аммо шу потенциал яна ҳам кўпроқ самара бериши учун принципиал масалаларни ҳал этиш зарур.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш планлаштириш практикасини такомиллаштириш асосида тармоқлараро проблемалар ҳал этилишининг жуда тартибга солинишини тақозо этиши ана шу масаланинг асосийсидир. Ҳозир бу танг жойлардан бири бўлиб қолмоқда, чунки кўпгина комплекс вазифаларнинг ҳал этилиши турли идораларнинг манфаатлари туташган жойда тўхтаб қолмоқда. Нотиқ буни Соколовск-Сарбайск кон-саралаш комбинати практикасидан мисоллар келтириб, таърифлаб берди.

Мавжуд планлаштириш системаси, деди Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Н. Н. Слюньков,** афсуски ҳозирча барча босқичларда фан-техника тараққиёти вазифаларининг комплекс ҳал этилишини таъминламаяпти, илмий программаларни ишлаб чиқариш программалари билан суст боғламоқда, бошқарув механизмини янгиликлар тезроқ жорий этилиб, ўзлаштирилиши томон йўналтирмаяпти. Нотиқ барча босқичлардаги фан-техника программаларининг ролини оширишни, перспектив, беш йиллик ва йиллик планларни ишлаб чиқиш чоғида программавий тармоқ методи имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишни таклиф этди.

Белоруссияда элликдан кўпроқ республика илмий-техника программаси амалга оширилмоқда, иттифоқ программаларининг кўпгина топшириқлари бажарилмоқда. Ҳозирги вақтда келгуси беш йилликка мўлжалланган программаларни ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда. Шулардан энг муҳими — «Интенсивлаш» программаси ленинградликларнинг тажрибасига мувофиқ тузилмоқда ва у бир-бири билан боғлиқ беш бўлимдан: «Автоматлаш», «Меҳнат», «Сифат», «Материал сарфи», «Энергия» бўлимларидан иборат бўлади. Ушбу программа фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини қамраб олади.

Умумиттифоқ ва республика илмий-техника программаларида белгиланаётган марралар реал бўлиб қолиши учун, деди нотиқ, ана шу программаларнинг топшириқларини бир бўлим сифатида халқ хўжалик планига киритса бўларди. Ўшанда улар мажбурий қонун кучига киради.

СССР Фанлар академиясининг президенти академик **А. П. Александров** истиқболдаги халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда, энг муҳим технологияларни янгилашда фундаментал илмий тадқиқотлар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Техникада революцион силжишлар манбаи бўлмиш фундаментал фанларга қилинадиган харажатлар ўзини кўп марта қоплайди, деди у. Амалий мақсадлар учун фундаментал фаннинг ролига етарли баҳо бермаётган кишиларга қўшилиш қийин.

Ўттизинчи йилларда, деб эслатиб ўтди нотиқ, И. В. Курчатов ядро энергетикаси юзасидан дастлабки ишларини энди авж олдириб бораётган бир пайтда уни Фанлар академиясининг йиғилишида «практикага... алоқаси бўлмаган» проблема билан шуғулланди деб танқид қилишган эди. Бу ҳолда сергак ақл-идрок тез ғолиб чиқди, генетика ва селекцияда академик Лисенконинг хатолари учун эса ҳамон азоб чекишга тўғри келмоқда.

Сўнгра олим — фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи соҳаларида ягона хўжалик ва илмий-техника сиёсати юритиш зарурлигига тўхталиб, электроник, ҳисоблаш техникаси, умуман информатика индустрияси соҳасида кучларни кўпроқ жамлаш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таклифни айтди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маълум қоидасида белгиланган планлаштириш системаси тўла ҳажмда ишлаган тақдирда фан-техника тараққиёти соҳасидаги натижалар анча салмоқлироқ бўлиши мумкин эди, деди Ленинграддаги «Светлана» электрон-приборсозлик бирлашмасининг бош директори **О. В. Филатов.** Афсуски, халқ хўжалигида тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш кўрсаткичлари ҳамон уларнинг имкониятлари ўзгарганлигини ва ички ресурслардан фойдаланиш даражасини тегишлича ҳисобга олмай «эришилганига қараб» планлаштирилмоқда.

Планлаштиришга бундай ёндашув корхоналарда ўз резервларини яшириш, пасайтирилган планларга эришиш иштиёқини уйғотади. Биз саноат бирлашмалари доирасида ишлаб чиқаришни янада концентрациялаш ва ихтисослаш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблаймиз. Бунда гап тегишли ҳуқуқларга, материал, меҳнат ва молиявий ресурсларга эга бўлган катта-катта бирлашмалар тўғрисида бормоқда.

Бизнинг практикамиз ва мамлакатдаги бошқа баъзи фирмаларнинг тажрибаси кўрсатиб турганидек, бирлашмаларнинг структурасида янги буюмлар яратилиши ва ўзлаштирилишидан то улар кўплаб ишлаб чиқарилгунгача бўлган ишларни собитқадамлик билан амалга оширувчи қатъий белгиланган нисбатдаги илмий ҳамда ишлаб чиқариш бўлинмалари мавжудлиги иш самарадорлигининг иккинчи мажбурий шартидир, деб давом қилди нотиқ. У ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулотнинг техникавий даражасини оширишга кўмаклашаётган ихтисослашиш қандай резервларга эга эканини «Светлана» мисолида кўрсатиб ўтди. Ҳозир бирлашмада илгари мустақил мавжуд бўлган заводлар, ишлаб чиқаришлар ва конструкторлик бюроларининг негизида ташкил этилган бешта илмий-ишлаб чиқариш комплекси ишлаб турибди. Бу комплекслар предмет принципига, яъни техника йўналишларига қараб ихтисослашган. Бирлашманинг структурали бўлинмалари бўлмиш комплекслар бундан буён янги буюмларнинг ишлаб чиқилиши учунгина эмас, шу билан бирга барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан план топшириқларининг бажарилиши учун ҳам тўла-тўкис жавобгар бўлади.

Ишларимизни КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаблари ҳамда ушбу кенгашда қўйилган вазифалар билан таққослаганимизда шуни тан олиш керак бўладики, қишлоқ хўжалик техникасини яратиш ва уни ишлаб чиқариш суръатлари ниҳоятда етарли эмас, деб эътироф этди трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри **А. А. Ежевский.** Колхозлар ва совхозларни қишлоқ хўжалиги машиналари билан, аввало интенсив технологияларни жорий этувчи машина ва ускуналар, кучли тракторларга тиркаладиган машиналар билан таъмин этиш учун етарли иш қилмаганлигимиз туфайли бизнинг шаънимизга жиддий танқид айтилганлиги мутлақо ҳаққонийдир.

Нотиқ, ўн иккинчи беш йилликда тупроқни ҳимоя қилиш технологияси учун юқори унумли машиналар ишлаб чиқаришни камида 2,2 баравар, минерал ўғитлар соладиган техника ишлаб чиқаришни беш баравар, кучли тракторларга тиркаладиган машиналар ишлаб чиқаришни қарийб уч баравар кўпайтириш планлаштирилаётганлигини маълум қилди. Янги ва модернизация қилинган техника меҳнат унумдорлигини 1,5-2 баравар оширишни таъминлаши керак.

Сўнгра министр ишлаб чиқариладиган техника сифатини яхшилаш, унинг пухта ишлаши ва чидамлилигини ошириш масалаларига тўхталди. Тармоқни материаллар билан таъминлаётган турдош корхоналар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, тармоқ институтлари ва конструкторлик бюролари билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ташкилотларининг фаолиятини янада аниқ мувофиқлаштириш, планлаштириш ва хўжалик механизмини янада такомиллаштириш — бу ишнинг резервлари ҳисобланади.

Трикотаж саноати Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг директори **З. В. Савватеева** ҳозир совет кишилари яхшироқ кийиниш, ўзларининг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар, табиийки, улар модадаги замонавий молларни сотиб олишни истайдилар, деб таъкидлади. Бу эса хом ашёни, машина-ускуналарни танлашдан тортиб, моделларни яратишгача бўлган бутун ассортиментдаги ишларга янгича ёндашишни талаб қилади.

Горький область партия комитетининг биринчи секретари **Ю. Н. Христораднов** айтдики, горькийликлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси автомобиль тармоғи корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги таклифларни кўриб чиқиб, маъқуллаганлигини чуқур қониқиш билан кутиб олдилар. Горький автозаводи юзасидан қабул қилинган қарор техника ва инвестиция сиёсатининг катта проблемаларини ҳал этишга, кадрларнинг барқарор бўлишига, автомобиль паркининг сифати ва техника даражасини оширишга қаратилгандир.

Белгиланаётган программанинг характерли хусусияти шундан иборатки, ажратилаётган маблағларнинг сал кам 90 проценти ишлаб турган корхоналардаги ускуналарни янгилаш ва алмаштиришга, атиги 10 проценти биноларни реконструкция қилиш ва барпо этишга сарфланади. Реконструкция жараёнида янги моделдаги юк машиналари ҳамда енгил автомобилларни модернизация қилиш ва ўзлаштириш, дизель двигателли автопоездларни яратиш кўзда тутилмоқда. Турли зоналардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида турли модификациялардаги автопоездлар синовдан ўтказилмоқда. Ҳар бир автомобиль ҳисобига йилига 8—10 тонна бензинни тежайдиган, газ ёнилғиси билан ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Мамлакатни ўн иккинчи беш йилликда ҳамда икки мингинчи йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқишда бутун халқ хўжалиги доирасида энг кўп самара берадиган фан-техника тараққиёти йўналишларини танлаб олишга алоҳида эътибор берилмоқда, деди СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари **Л. А. Воронин.** Ишлаб чиқариш ресурсларининг ялпи харажатларини кескин камайтиришни, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг экологик софлигини таъминлайдиган технологияни такомиллаштириш; ҳисоблаш техникасининг ҳозирги замон пухта воситалари (аввало микропроцессор техникаси)ни қўлланиб ишлаб чиқаришни автоматлаш, автоматлаштириш воситалари билан ишлаб чиқаришни кўплаб таъминлаш каби энг муҳим стратегик йўналишлар белгилаб олинди.

Истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни принципиал жиҳатдан янги технологияларни — лазер, плазма, радиация, мембрана, биотехнология ва бошқа технологияларни яратиш ва улардан кенг фойдаланиш билан боғламоқдалар. Айни шулар келгусидаги ишлаб чиқариш қиёфасини белгилаб бериши керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш проблемасини ҳал этиш, деб таъкидлади СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан ва техника давлат комитети раиси **Г. И. Марчук.** Экономиканинг кўпгина бўғинлари ўртасидаги мустаҳкам боғланиш пировард натижаларга эришишга комплекс ёндашувга боғлиқдир. Бундай боғланишнинг асосий шарти илмий тадқиқот ишларини бевосита планлаштиришдан тортиб илғор технологияни ҳамда янги техникани кўплаб ишлаб чиқаришни мукаммал ўзлаштиришгача бўлган ишларни қўшиб юборишдан иборат.

Министрликлар ва идораларнинг планлаштириш, ташкилий ҳамда иқтисодий ишларида аввало катта масалаларни ҳал этишдаги мавжуд узилишни бартараф этиш зарур. Аввало фан-техника тараққиётининг тўғри иқтисодий асосланган афзал йўналишларини белгилаб олиш шулар жумласига киради.

Фан ва техника давлат комитети СССР Фанлар академияси иштирокида ўтказган иқтисодий таҳлил шуни кўрсатдики, миллий даромад ўсишининг суръатлари кўп жиҳатдан халқ хўжалигида илғор технология ва янги техникани қўлланиш миқёсларига боғлиқдир. Умумиттифоқ илмий-техника программалари айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Ўн иккинчи беш йилликда СССР Госплани билан Фан ва техника давлат комитети бу ишларнинг бажарилишига сарфлайдиган капитал маблағ ҳажмини шу беш йилликдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпайтиришни таклиф этмоқда.

Биз шу нарсани муттасил ҳис этиб турибмизки, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришда бир йил, ҳатто бир ой кечикиш давлатга жуда катта, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар келтиради, деди Новолипецкдаги Ю. В. Андропов номли металлургия комбинатининг директори **И. В. Франценюк.** Комбинат мутахассислари ва ишчилари техника бугунги кун вазифаларини бажаришни таъминлабгина қолмай, истиқболда ҳам потенциал имкониятларга эга бўлишини кўзда тутган ҳолда янгиликларни жорий этиш устида муттасил ишламоқдалар. Аммо юқори самара берадиган белгиланган кўпчилик тадбирлар корхонага тааллуқли бўлмаган сабаблар билан тўла ҳажмда ва зарур муддатларда амалга оширилмай қолмоқда. Кўпинча бизнинг оёқ-қўлимиз ҳар хил инструкциялар, қоидалар билан боғлаб қўйилади. Бизнингча, булар молиявий ва моддий маблағларни сарфлашда қаттиқ тартибни яратаётгандек бўлиб кўринса ҳам, амалда шу маблағлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишларида ёриб ўтиш имконини таъминловчи қудратли илмий ва илмий техникавий потенциал яратилган, деди Украина ССР Фанлар академиясининг президенти академик **Б. Е. Патон.** Аммо бугунги кунда масала шу таҳлитда қўйилмоқдаки, ушбу потенциал меҳнат унумдорлигини кўп марта оширишимизни, барча ресурслардан кўплаб тежам олишимизни, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини яхшилашни таъминласин.

Нотиқ фан-техника тараққиёти негизида экономиканинг турли тармоқларини мутаносиб ҳолда ривожлантириш проблемаларига тўхталиб, оз миқдорда материал, энергия, меҳнат сарфлаган ҳамда экологик мувозанатни таъминлаган ҳолда олий техникавий даражадаги ва сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи янги технологик схемаларни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида гапирди. Афсуски, бу занжирдан айрим бўғинлар кўпинча ажратиб олинмоқда, мана шуларга асосий эътибор қаратилиб, бошқалари унутиб юборилмоқда. Бунинг оқибатида биз зарур самарани ололмаяпмиз.

Ғарбий Сибирь 2000 йилгача ҳам, ундан кейинги олис истиқболда ҳам мамлакатни нефть ва газ билан таъминлашда асосий роль ўйнайди, деди «Главтюменгеология» бошлиғи **Ф. К. Салманов.** Бу запасларни ўстириш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда уни қазиб олиш даражасини муттасил ўстиришни таъминлаш учун конларни чуқур қазиш ҳажмларини кескин ошириш талаб этилади. Бироқ бугунги кунда чуқур пармалашда қўлланилаётган техника ва технологиянинг имкониятларидан амалда фойдаланиб бўлинди. Энди принципиал жиҳатдан янги ечимлар керак. Тармоқни янада интенсивлаш учун уни замонавий фан ва техника ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур.

Мамлакатимизнинг олий мактаби фахрланса арзигулик нарсалар бор, деб таъкидлади Д. И. Менделеев номли Москва химия-технология институтининг ректори **Г. А. Ягодин.** Бизда олий таълимнинг, шу жумладан инженерлик олий таълимининг ривожланган системаси яратилган. Мамлакатимизни тиклаш ва ривожлантиришда инженерларнинг ҳиссаси жуда катта. Шу билан бирга, фан-техника революциясини тараққий эттириш йўлларини муҳокама қилар эканмиз, биз ишимиздан ғоят қониқмаслик туйғусини ҳис этмоқдамиз. Бизда инженер кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд.

Техника тараққиёти инженерлар тайёрлаш олдига қаттиқ талаблар қўймоқда. Бу эса таълим бериш мазмуни, методлари ва мақсадини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бизнинг институтимизда ҳамда бошқа бир қанча олий ўқув юртларида таълим беришнинг якунловчи босқичида кафедраларнинг филиаллари деб аталмиш бевосита корхоналарда инженерлар тайёрлаш соҳасида тажриба тўпланди. Бундай мутахассислар амалий ишга жуда яхши тайёргарлик кўришган. Бу ижобий тажрибага кенг қамровли тус бериш вақти етди.

Совет олимлари, конструкторлари, ишчилари яратган АН-124 транспорт самолёти 150 тонна вазнли ногабарит юкни узоқ масофага ташишга қодирдир. Бу самолёт куни кеча Парижда ўтказилган авиакосмик кўргазмада жаҳондаги энг йирик самолёт сифатидагина эмас, балки конструкцияси жиҳатидан мукаммал, энг тежамли самолёт, деб ҳам тан олинди, деди авиация саноати министри **И. С. Силаев.**

Нотиқ электрониканинг авиация техникаси учун муҳим аҳамиятини таъкидлаб, тармоқ меҳнатчилари бу йўналишни ҳамиша диққат марказида тутишлари лозимлигини уқтирди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш программасини амалга ошириш, деб сўзини давом эттирди нотиқ, жумладан, ўн иккинчи беш йилликда парвоз қила бошлайдиган янги пассажир самолётларида ёнилғини икки баравар тежашни таъминлайди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган машиналарга нисбатан ресурси ва пухталигини бир ярим баравар оширади. Бу самолётлар келгусида чет элларда яратилиши мўлжалланаётган шундай машиналардан асло қолишмайди.

М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан кенгаш ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

Куюнчаклик билан ёзилган репортаж

«09» учун «03»

КАТТА ШАҲАРНИНГ СПРАВКА ХИЗМАТИ. НИМА УЧУН У ШАҲАР МАРОМИДАН, АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН ОРТДА ҚОЛЯПТИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ»ГА завод ишлари билан келиб шундай шикоятни эшитдим:

— Ишдан уйга келсам телеграмма турибди: «Кутиб ол, 661-рейс» деб ёзилган эди. Қўл остимда жадвал йўқ эди, назаримда самолёт яқин вақт ичида келиши керакка ўхшарди. Лекин қачон? Аэропорт справка бўлимини билиш учун «09»га қўнғироқ қилдим... — дея ҳикоя қилади таъминот бўлими иқтисодчиси Лиля Черняева, — «09»ни бир, икки, етти, йигирма марта тердим — гоҳ банд, гоҳ жавоб бермайди. Квартира телефонлари хизмати — «009» орқалигина (ўн иккинчига раҳмат, жуда эътиборли) аэропорт справкаси бўлими «006» эканини билиб олдим. Телефонистка ҳар эҳтимолга қарши яна бир нечта номерни берди. Овораи-сарсонлик тугади деб ўйлаётгандирсиз? Номерлар банд эди, аэропортга таксида бордим, рейс кечикаётганди. Жоним ҳиқилдоғимга келганини кўрсангиз эди. Ҳаммасига справка сабабчи...

Одатий овораи-сарсонлик. «09» ва аэропорт справка хизмати иши ҳақида «Известия» мухбирлар пунктига ҳам шикоятлар тез-тез келадиган бўлиб қолди.

СПРАВКА хизмати бошлиғи М. Ф. Аверикованни кабинетидан топдим, марҳамат қилиб кўз олдимда «ўзига ўзи» қўнғироқ қилишини сўрадим. Ноль ва тўққиз терилди. Ўнғайсиз вазият... Ўзига ўзи уланмади.

Справка залига кирамиз. Қачонлардир «09» хизмати ярим ертўлада жойлашган эди. Ҳозир унинг данғиллама биноси бор. Лекин, буларнинг ҳаммаси катта шаҳарнинг талабларидан ҳали қанчалик узоқда!

Зал товушдан муҳофаза қилинмаган, полга поёндоз тўшалмаган, деразалар дарпардасиз. Қулайлик йўқ. Операторлар ғуж бўлиб ўтиришибди, столлар зич, стуллар суянчиқсиз. Телефонисткаларда на лингафон гарнитуралари, на оддий наушниклар бор — оддий аппаратлардан фойдаланишяпти. Абонентга керакли карточкани қидираётиб, телефон трубкасини елкаларига қисиб олишади.

Ахборот соҳасига бошқаларидан олдинроқ электроника кириб келди. Вақти-соати келиб, Тошкентнинг «09»и ҳам унга ўтади. Ҳозирча эса картотека хизматда, справканинг тез ва аниқ берилиши карточканинг қандай аҳволдалигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Гувоҳлик бера оламанки, унинг аҳволи ёмон.

Тошкент каби катта шаҳарда кўплаб қурилишлар билан бир қаторда янги АТСлар қад кўтаряпти (8 та эди, 28 та бўлди) ва телефонлар, адреслар тез-тез ўзгаряпти. Карточкалар оператив янгиланиши учун «09» хизматига мўъжаз босмахона зарур. Ҳозирча босмахона йўқ, картотека ҳам етишмаяпти.

Оқибат натижада бир суткада қарийб 50 минг тошкентлик справка ололмаяпти.

— «006» эса, — деди аэропорт катта справкачиси Шамсия Галиева гапни чўрт кесиб, — беҳуда ишлаяпти. Ушбу каналлар орқали бизда эшитиш жуда ёмон.

Рухсат сўраб ушбу номердаги сигнал бўйича трубкани кўтардим. Аэропорт шаҳар доирасида бўлса ҳам абонентнинг овози эса худди Галлей кометасидан келаётгандек аранг эшитиларди. Шундай экан, одамлар қийналмаслиги учун «006». справка хизматидан нега олиб ташланмади? Аэропортга кимнинг айби билан сифатсиз кабель ётқизилган?

Одатдаги кунларда аэропорт справка хизматига 19 мингтагача, об-ҳаво ўзгарганда 45 мингтагача, шу жумладан телефон орқали 14 мингта савол тушади. Штатда эса катта ходим билан бирга беш ходим бор, пульт ёнида эса одатда уч киши — керагидан икки баравар кам бўлади.

Ўттиз йилча бурун шундай эди. Ҳозир ҳам шундай. Маълум бўлишича, справка бўлимига меҳнат лимити аэропорт хизмат кўрсатган самолётлар учиш сонига қараб берилар экан. Чиндан ҳам ўтган даврда уларнинг сони унчалик кўпаймади, лекин самолётлар ўшандайлигича қолмади, пассажирлар оқими ўша-ўша эмас, справка хизмати эса пассажирларга эмас, борган сари шаҳарга кўпроқ хизмат кўрсатяпти. Унинг аҳолиси эса икки миллиондан ошди. Авиасправкага орзуманда кўз илғамас оломон тизмаси симнинг у томонида турнақаторлашиб боряпти. Ҳа, батартиб навбатда турганлар эмас, оломон. Чунки, станция коммутациясида абонентга «кутинг» деб таскин бериб, навбатга қўя олувчи автомат йўқ.

Биробарин, справка хизматининг мушкулоти фақат техникавий камчиликдамикин?

Авиасправканинг операторлик хонасида мен рейслар ҳақидаги одатдаги саволлардан ташқари: «Певекка арзонроқ билет борми?», «Самолётга мушук билан чиқиш мумкинми?» каби саволларни ҳам эшитдим. Шунақа мижозларга ҳам жавоб беришади. Самолётлар ҳаракати ҳақидаги ахборотларга кўмилиб ётган справка хизмати яна бунақа вақт йўқотишининг нима кераги бор?

— Бундай мижоз қаёққа мурожаат этсин, — дея сўрайди катта ходим.

Рости билан, қаёққа?

Шаҳар Совети ижроия комитети рўпарасидаги «Шаҳар справкаси» будкасида ўтирибман. Тез-тез телефон жиринглайди: «Ўртоқ, — дейди ишдан чалғиб, уф тортиб Зоя Григорьевна Ганченко, — «09» бизга йўллаб нотўғри қиляпти. Биз справкани ҳақ эвазига, қўлга берамиз. Кечирасиз, мижозлар кутиб туришибди». Дарҳақиқат, дарча ёнида навбат кутиб туришибди. Мавруди келганда, бутун шаҳарда бор-йўғи бешта шундай будка қолганини, баъзиларда телефон ҳам йўқлиги учун навбат чўзилаётганини айтиб ўтиш керак.

Будка ёнида ниманидир кутиб турган одамлар ҳам бор. Ниманидир бетоқат кутишяпти. «Адрес столидан бўладиган қўнғироқни кутишяпти», — дея тушунтирди Ганченко. Гражданларга якка тартибда справка бериш хусусида милиция билан шартнома тузилган. Адрес столи сўровга жавоб бергунча одамлар баъзан соатлаб, чошгоҳгача будка ёнида туришади. Нима учун? Чунки муддат белгиланмаган, адрес столи справка ўз вақтида, сифатли берилишига жавобгар эмас.

Энди бошқа нарса ҳақида сўз юритамиз. Айрим ҳолларни истисно этган ҳолда министрликлар, идоралар, муассасаларнинг қабулхоналаридан, баъзан эса диспетчерликларидан ҳам тез ва аниқ ахборотни олиш муаммо. Ходимлар кабинетлар, телефонлар ўзгаради. Сизга эса эскисини айтаверишади. Муассасаларда ҳам справка маълумотларининг аҳволига ҳеч ким жавоб бермайди.

Телефон дафтарчасичи? Зеро, у бекиёс қўлланма. Унинг мунтазам янгиланиб турилиши — справкалар миқдорини камайтириш, одамлар вақтини тежашнинг ишончли омилидир. Шу боисдан мамлакатимиздаги бир қатор жойларда телефон справочникларини қайта нашр қилиш ва янги йил туҳфаси сифатида совға қилиш яхши одатга айланди. Ўзбекистонда эса, аксинча уни нашр этиш камайди, «Тошкент телефонлари» китобчаси эса охирги марта... 1972 йилда чиққан.

НИҲОЯТ, яна бир нарса ҳақида. Яқинда республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги «065» телефони бўйича ғоят зарур справка хизматини жорий этди. Унга қўнғироқ қилсангиз — қаердан, қандай маиший хизмат олиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат беришади. Бунинг устига одатий бўлмаган хизматларни таклиф этишади — уйга массажистни, энагани, боғбонни таклиф этиш мумкин.

Мен қўнғироқ қилиб ўтирмадим — ўша ерга ўзим бордим... Мен у ерда бўлган бир соат мобайнида «065»нинг барча саккизта канали орқали фақат иккита қўнғироқ бўлди. Нима учун? Бу хизматни яхши билишмайди деб ўйлайман. «065» ҳақида маҳаллий телевидениеда гапирилди. «Оқшом» хизматнинг номерини кўрсатиб эълон босиб чиқарди. Лекин бу кам.

...Шарқда азалдан ким нимадир сўраса, унга жавоб бериб ёрдам кўрсатиш одат бўлиб қолган.

Ҳозирги давр бошқача. Қаранг, қанча-қанча алоқа каналлари бор. Лекин хизмат бурчи бўйича ҳам, турмуш икир-чикирлари юзасидан ҳам справкага бўлган эҳтиёж минглаб марта ошди. Замонавий справка хизмати ҳар қандай аҳоли пунктида, бунинг устига катта шаҳарда ана шу ўсиб бораётган эҳтиёжни қондирмоғи лозим. Яхши йўлга қўйилган хизмат меҳнатни илмий ташкил этишнинг муҳим омили, чин маънода социал ютуқ бўлиб қолади. Биз репортажга сарлавҳани бежиз қўймадик: замон талаблари даражасига мос, кишиларнинг эҳтиёжларига, ҳаёт маромига монанд бўлиши учун справка хизматига чиндан ҳам тез ёрдам керак.

Г. ДИМОВ,
«Известия»нинг ўз мухбири.

ТОШКЕНТ.

(«Известия»нинг 1985 йил, 11 июнь сонидан).

Душанбадаги В. В. Маяковский номли Давлат рус драма театрининг Тошкентдаги гастроллари

САФАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ





Душанбадаги В. В. Маяковский номли Давлат рус драма театрининг Тошкентдаги гастроллари ниҳоясига етди. Кўп миллатли совет театр санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга актив кўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун театр Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Бир ой давомида қардош тожикистонлик меҳмонлар 15 дан ортиқ совет ва чет эл авторларининг пьесаларини намойиш қилдилар. Душанбалик артистлар репертуарида классик асарлар алоҳида ўрин эгаллади. Булар Гоголнинг «Уйланиш», Мольернинг «Тартюф» ва Лопе де Веганинг «Тентак қиз» асарларидир.

Гастроль репертуаридаги қайси спектаклларни алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим? Агар классик асарлар ҳақидаги гапимизни давом эттирсак, унда «Уйланиш» ва «Тартюф» спектакллари режиссураси ва сценарийсини эътироф этган ҳолда, «Тентак қиз» спектакли постановкасини алоҳида айтиб ўтиш лозим бўлади. Бунда классик сюжет томошабинга тамоман замонавий ҳолда талқин этилгани, авторлар томошабин билан мулоқотни маҳорат билан олиб борганини айтиш керак.

Умуман, душанбалик артистлар импровизацияга алоҳида интилиши, классик ҳолатларни максимал даражада ижро эта олиши исботланди. Афсуски, айрим ҳолларда бу ўринда мезонни билиш мақтов даражасида эмас. Айни шу мезонни билиш, илк манбаага нисбатан ҳис-туйғу такти Ленин мукофоти лауреати Василий Шукшин асари асосидаги «Характерлар» спектаклида алоҳида кўзга ташланди. «Характерлар» спектакли бир неча ҳикоялар асосида саҳналаштирилган. Бироқ, уларда сюжет бирлиги сезилмайди. Шундай бўлса ҳам душанбаликлар талқинидаги драматик ҳолат сюжет бутунлиги ва динамизми билан ёдда қолади. Театр коллективи бош режиссёр Нагорничних билан биргаликда Шукшин асарларига хос умумийликни топа олган, Рецензентлардан бири таъкидлаган «дил азоби» балки шудир, балки спектаклни саҳналаштирган санъаткорлар бу ҳолатни таърифлаш учун яна ҳам аниқроқ бошқа сўз топишгандир. Томошабинга эса энг муҳими якун. Душанбаликлар маҳорати туфайли улар ўзлари учун таниш образларда янгилик топиши муҳимдир.

Душанбаликларни н г ҳамма спектакллари ҳам бадиий ва драматургия материаллари бўйича қиёмига етган ҳолда талқин этилган деб бўлмайди. Бироқ, театр коллективи доимий ижодий изланишда эканлиги, шубҳасиз. Бунга далил— театр коллективининг маҳаллий авторлар билан доимий иш олиб боришидир. Тошкентда «Кутилмаган келин» спектаклининг премьераси бўлди. Ушбу пьеса коллектив постановкачиларининг тожик драматурги Н. Исломов билан биргаликда олиб борган ижодий ҳамкорлиги туфайли юзага келган. Ўткир сатирик формада спектаклда қариндош-уруғчилик, мешчанлик каби иллатларни жамиятимизга ёт кусурлиги эканлиги ҳақида гап боради.

Тошкентликлар театр ижодий коллективи билан хайрлашар экан, бу истеъдодли труппа ижросида ҳали яна кўп янги спектакллар томоша қилишга ишонадилар.

СУРАТЛАРДА: «Бахт нима!» спектаклидан саҳналар.



ҲУШЁРЛИК — ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

«СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЖУДА КЎПЧИЛИГИ СПИРТЛИ ИЧИМЛИКНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КАТТА ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗИЁН ЕТКАЗИШИ, УНГА ЖАМИЯТИМИЗ ТУРМУШИДА ТОҚАТ ҚИЛИБ БЎЛМАСЛИГИ ХУСУСИДА ЯКДИЛДИРЛАР».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

ЯХШИ ТАДБИР — ЭЛГА МАНЗУР

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги ва СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг халқимиз ғоят якдиллик, ҳамжиҳатлик ва хушнудлик билан маъқулламоқдалар. Ҳозирги кунда ана шу масала ҳамма жойда: маҳалла, корхона, турли муассаса ва ЖЭКларда, кенг жамоатчилик ўртасида атрофлича муҳокама қилиниб, ичкиликбозликка қарши қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Редакциямизга келаётган кўплаб хатларда оқшомхонлар ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни чин юракдан маъқулламоқдалар. Қуйида ана шундай хатлардан баъзиларини азиз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ

Инсонга ҳаёт бир марта берилади, унинг мазмунини, яшаш қадрини ва лаззатини фақат хушёр одамларгина билишади. Ичкиликка ружу қўйган пияниста кимса эса кун-туни, умри қандай ўтаётганини ҳис этмайди, ҳаётнинг нима эканини тушунмайди.

Ҳаётга нима учун келганини билган чин инсон: «Мен ўзим учун, оилам учун, одамлар учун қандай фойдали иш қилдим?» деб ўзига ҳисоб беради, ҳалол меҳнатдан бахт топиб яшайди, ҳаммани ундан баҳраманд этади. Лекин, юқорида айтганимдек, ичкиликбоз кимса ўзини ҳам, атрофидаги ва оиласидаги одамларни ҳам бахтсиз қилади.

Мен яқин одамларимнинг ичкиликка ружу қўйганини кўрганимда, тўй-йиғинларда ортиқ даражада ичкиликбозлик бўлганда, кўча-кўйда чайқалиб юрган пияниста ёшларни кўрганимда дарди-дунёим қоронғи бўлиб кетади. «Бу ёмон иллатни йўқотишга чора бормикин?» деб ўйлардим. Жонажон Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шундай муҳим чора бўлди.

С. САРИМСОҚОВА,
ишчи.

ҲАММА МАЪҚУЛЛАДИ

Ичкиликбозлик фаровон ҳаётимизга ёт, ёмон сарқит эканлиги ҳаммага маълум. Ичкиликбозлик одамнинг сиҳат-саломатлигига, меҳнат қобилиятига, обрў-ҳамиятига, оиласига, бутун жамиятимизга раҳна солади. Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг ичкиликбозликни йўқотиш ҳақида белгилаб берган чора-тадбирлари халқимизнинг дилидаги гап бўлди. Октябрь районидаги биз яшаб турган 1-«Чархкамолон» маҳалласидаги аҳоли бу қарорни севинч-қувонч билан маъқуллади.

Куни-кеча маҳалламизда ичкиликбозликни тугатиш тадбирларига бағишланган йиғилиш ўтказдик. Маҳалламиз комитети раиси Абдужаббор Маннопов бу масалада қизиқарли ва мазмунли суҳбат ўтказди. Маҳалла аҳли ичкиликбозликни тугатиш бўйича жонажон партиямиз белгилаб берган барча чора-тадбирларни амалга оширишга аҳд қилдилар.

И. ИСМОИЛОВ,
меҳнат ветерани.

ХАВФЛИ ГИРДОБ

Ҳамза районидаги 1-уйсозлик комбинати территориясидаги «Шаҳло» кафеси ёнидаги нон дўконига чиқдим. Бу ерда бир киши ичиб, ёмон аҳволда ётарди. Кейин билсам, шу атрофдаги 38-уйда истиқомат қиладиган киши экан. «Тез ёрдам» машинасида уни ТошМИга даволанишга жўнатдик...

Кунлар ўтди. Бу киши яхши даволаниб, уйига қайтди. «Ичкилик ичиб обрўйимни йўқотдим, энди ичмайман, ишлайман» деди. Мен унга: «Яхши касбинг бор экан, заводга кириб слесарликни давом эттир» деб маслаҳат бердим. У ҳозир ишлаяпти.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шундай гумроҳликка берилган шахсларни кўзини очади. Бу муҳим ҳужжат халқимиз саломатлигини сақлашга, турмуш фаровонлигини оширишга чексиз ғамхўрлик ифодасидир.

С. ҲАБИБУЛЛИНА,
пенсионер.

ДАДАЖОН, ИЧМАНГ!

(БОЛАНИНГ ОТАГА ИЛТИЖОСИ)

Кеча гандираклаб келдингиз дада,
Бекорга ойимни қувдингиз, дада,
Мени тарсакилаб урдингиз, дада,
Бувимнинг бағрини тилдингиз, дада...

Ичкилик туфайли —
Ичкиликдан бу!
Ичкиликка қирон!

Ичкилик оғу...
Ўтиниб сўрайман, дадажон, ичманг!

Бурнингизда тиртиғ, юз мўматалоғ,
Қошингиз устида тангадайин доғ.

Нафас ололмайсиз, том битган димоғ,
Назднмда елкадан босқандайин тоғ...

Ичкилик туфайли —
Ичкиликдан бу!
Ичкиликка қирон!

Ичкилик оғу...
Илтижо қиламан, дадажон ичманг!

Ичасизда, бизга қиласиз зарда,
Бақириқ, чақириқдан бўлибман зада.

«Аданг пиён»— деса қўшнимиз Парда —
Уяламан жуда, уяламан дада!

Ичкилик туфайли —
Ичкиликдан бу!
Ичкиликка қирон!

Ичкилик оғу...
Ичманг, уяламан, дадажон ичманг.

Қаранг, укам мажруҳ, сингилчам нимжон,
Куяверб бобом бўлди ҳафақон,
Сизнинг кўксингизда шайтон ҳукмрон,
Ичкилик чаёндир, ичкилик ёмон!

Уяламан жуда,
Уяламан дада...

Ичкилик туфайли —
Ичкиликдан бу!
Ичкиликка қирон!

Ичкилик оғу...
Ичманг, уяламан, дадажон ичманг!

Ўтинчим шу, тавба-тазарриқ қилинг,
Одамлар қатори одамдай юринг,
Гўзал давримизнинг гаштини суринг...

Отамизсиз, ахир, отадай бўлинг,
Дўппини ерга қўйиб
бир ўйлаб кўринг...

Одамлар демасин:
«Қазилган гўринг»,
Ичкиликни ташланг, дадажон, ичманг!

Неъмат ТОШПЎЛАТ.

• *Атеистик мавзуларда*

ЁМОН ОДАТНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

Инсон саломатлиги — унинг вақтида овқатланиши, дам олиши, меҳнат қилиши, саъй-ҳаракати билан боғлиқ. Эскилик сарқитларидан бири — рўза тутиш кишини турли касалликларга чалинтириши сир эмас. Қуйидаги мақола ана шу мавзуга бағишланган.

Тарихий манбаларга қараганда, қадим замонларда давомли иқтисодий танқислик бўлган. Кишилар оч юриб бўлса ҳам озуқаларни тежаб-тергаш йўлини қидирганлар: куни бўйи мутлоқ оч юрганлар ёки ул-бул тановул қилиб, баъзи озуқалардан ўзларини сақлаганлар.

Иқтисодий танқислик сабаб бўлган очликдан хурофот, яъни рўза юзага келган. Бир ой — 30 кун 12 соатдан (қишда), 17,5 соатгача (ёзда) оч юрилган.

Ваҳоланки, рўза ҳолати соғлиқ учун мутлоқ зид хурофот бўлиб, бир қатор дард ва аламларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда одамларнинг ўртача умри 40— 45 ёшдан ошмаган.

Инсон дунёга келгач, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун маълум шароитларга ўрганади, одатланади. Энди — тарки одат-амри маҳолдир. Масалан, чақалоқ вақтида эмизилиши, вақти-вақти билан чўмилтирилиб турилиши ва тўйиб-тўйиб ухлаши керак. Акс ҳолда чақалоқни қўлдан бой бериб қўйиш мумкин. Катталар эса, бир кунда 3—4 марта овқатланишга, 7— 8 соатли уйқуга ўрганишган. Бу ҳаётбахш одатлар медицинада стеротип дейилади. Агар стеротип бузилса, масалан, одам кун бўйи овқатланмаса, ё тўйиб ухламаса организм издан чиқади, яъни ҳаёт фаолияти бузилади.

Вақтида овқатланмаслик ошқозонни яллиғлантиради, хасталик — гастрит пайдо бўлади. Қорин оғрийди, бемор қусади ҳам. Барибир унинг аҳволи кундан-кунга оғирлашаверади. Аслида вақтида овқатланиш ва ухлашнинг ўзи гастритдан халос бўлиш учун биринчи муолажадир. Акс ҳолда ошқозон ёки ўн икки бармоқ ичакда бора-бора яра пайдо бўлади. Чунки овқатдан ҳоли шиллиқ қавати ош тузи ачитқи оқ ем ва сўнг ўша ерда яра ҳосил қилади. Организм қанча ёш бўлса, у очликка шунчалик бардош беролмайди, ўсишдан тўхтайди ҳам. Эмизувчи онадан сут қочади, ҳомила шикастланади. Заиф бадан ўзини-ўзи ҳимоя этолмайди, яна бирор касалликка дучор бўлади.

Оч бадан ўзини-ўзи ея бошлайди. Аввало ёғ ва мушаклар аста-секин сарф бўла бошлайди. Сўнг нозик ва нодир ҳужайралар, айниқса асаб толалари ўз сифатларини йўқота бошлайди. Шунинг учун ҳам қорни оч кишининг жаҳли «бурнининг учида» туради, боши оғрийди, кўзи тинади, оёғи титрайди.

Кун бўйи оч юриб, сўнг бирданига кўп ва тўйиб овқатланиш соғлиққа мутлоқ зид келади. Навоий ҳам «сиҳат тиласанг кўп ема» деган эдилар. Тожикларнинг: «Яримта нон— жон роҳати, битта нон жон азоби», — дейишларида ҳам шу маъно бор.

Тиббий қоида бўйича суткалик овқатнинг учдан бирини нонуштада, ярмини туш пайтида, қолган оз қисмини эса кечқурун ейиш тавсия этилади. Кечқурунги овқат ниҳоятда енгил ва тез ҳазм бўлиши керак. Шунинг учун ҳам доноларнинг «наҳорги овқатни ўзинг егин, тушки овқатни дўстинг билан баҳам кўргин, кечқурунги овқатни душманингга бергин», дейишлари бежиз эмас.

Овқатга тўлган ошқозон бўш ичакларни босиб, жойидан қўзғатади, ўзи пастга чўкади. Бу ҳолатда ичак буралиши учун қулай шароит туғилади. Қорин ҳали овқатдан бўшамасдан унинг устига яна овқат ейишда на тиббий, на ҳаётий маъно бор. Бундай баднафслар ҳақида Бедил шундай деган:

Бир табиб ёнига келиб, бир инсон демиш: «Қорним қур-қур қилади, еган овқатим чунон ҳазм бўлмайди». Деди: «Ҳазм қилиб, сўнг егин-да, нодон».

Тиббий мулоҳаза бўйича овқатдан сўнг фаол ҳаракат керак. Акс ҳолда қорин кўтарилади. Оғриқ пайдо бўлади. Қориннинг кўтарилиши юрак ва ўпкани ҳам юқорига қисади. Шунинг учун киши ҳарсиллайди, тинч ухлолмайди, ёмон тушлар кўради. Тунни бу аҳволда ўтказган киши эртаси унумли ишлай олмайди. У ёзда салқин, қишда иссиқ жой қидириб вақт ўтказади. Бу ноилож аҳвол рўза одатига кирган хурофотнинг аччиқ мевасидир.

Эски, ярамас урф-одатларга берилиш, рўза тутиш, овқатланиш режимини бузиш, саломатликни медицинадан хабари йўқ табиб-муллаларга ишониш — одамни ҳаёт изидан чиқаради, саломатлигига путур етказади, меҳнат қобилиятини йўқотади ва турли хасталикларга чалинтириб қўяди. Ҳаёт гаштини ва меҳнат роҳатини билган одам доим хушёр, бардам ва саъи-ғайратли бўлиб, узоқ умр кўради.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати.



— Эсинг жойидами Мамаюсуф, кўрган одамлар нима дейди ахир, оғиз очилгандан кейин хуфёна қилиб, чойнакка солиб олиб киргин-да, кейин домлаларнинг булбулигўё бўлишини кўрасан.

М. Унгаров расми.

Ўктам УСМОНОВ



РОМАНДАН ПАРЧАЛАР

Эртаси куни Сатторга тоғаси яна бироз пул берди. Саттор ўзига керакли дарсликлари ва дафтарларини битта қилиб боғлади-да, кеннойиси майда-чуйда солиб берган тўрхалтани ҳам олиб, «бир ҳафталардан кейин чиқсам керак» деди-ю, яна изига қайтди...

Туш пайтидаёқ институтга етиб келди. Ҳакимжон йўқ экан, деразa тирқишидан калитни топди-да, хонага кирди. Ўзини тахта кароватга ташлади. Жим-жит. Ўн-ўн беш минутча ётиб, ичи қизиди. Институтга бир кириб чиқмоқчи бўлди-ю, яна кийинди ва Ҳакимжоннинг тумбочкаси устида турган кафтдаккина синиқ ойнага қараб сочини таради. «Мен келдим» деган маънода хат ҳам ёзиб қўйди. Калитни жойига яшириб, кўчага чиқди.

Институтга туташган хиёбонда тез-тез юриб, йўловчиларни ёнлаб ўтиб кета бошлади. Газета сотадиган дўкондан сал нарида Сатторнинг олдида шошилиб бораётган бир мўйсафид бирдан тўхтаб, папирос тутатди. Саттор уни туртиб юборишдан қўрқиб, лип этиб ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, рўпарадан келаётган бир қизга урилиб кетди. Қизнинг қўлидаги сумкачаси ва китоблари ҳар ёнга сочилиб, ўзи эса афтини буриштирганча тирсагини ушлаб қолди. Саттор сочилган китобларни териб бераркан, қизга қараб «кечирасиз, билмай қолдим» деди. Қиз ундан китоблари ва сумкасини юлқиб олди-ю, «кўзга қараб юриш керак», деди ғазаб билан ва бошини шарт бурганча йўлига кетаверди. Папирос тутатган чол эса: «Мунча ховлиқмасанг, ўғлим! Сендан бошқалар ҳам юради кўчада, бунчалик шошилма...» деб уни баттар хижолат қилди. Саттор чап тирсаги оғриётганини сезиб, беихтиёр орқасига қаради —қиз ҳамон лат еган қўлини ушлаб борарди. Бир-икки қадам босиб Саттор яна орқасига қаради— бу пайтда қиз ҳам ўгирилиб Сатторга қараётган экан. Шундагина Саттор қизнинг қиёфасини эслади: кулча юз, кўзлари қоп-қора, лаблари хиёл дўрдоқ; устидаги юпқа гулли кўйлаги остидан кўкраклари, бадани бўртиб турибди; ёши ўн беш-ўн олтиларда хойнахой...

Саттор яна орқасига ўгирилган эди — қиз кўринмади... Институтда ҳам бирон танишини учратолмади. Қабул комиссиясига яқин борган эди, бугун одам кечагидан ҳам кўп. Иккинчи қаватга кўтарилиб, тарих факультети консультациялари кунини ёзиб олди-да, яна йўлакларни айланиб, у ёқ-бу ёқни томоша қилиб юрди. Кеча бу пайтда юраги така-пука эди... У шу хаёл билан чиқаверишга борди-ю, кечаги духоба дўппили қоровул чолга йўлиқди; эски қадрдонлардай қўл олишиб кўришди.

— Хўш, ўғлим, ишлар қалай!—деб сўради қоровул муғомбирона жилмайиб.

— Ҳужжатларимни топширдим. Ётоқ ҳам беришди.

— Унда бу ерда нима қилиб юрибсиз, ўғлим! Ётоғингиздами, бирор-бир тинч жойга борибми... тайёрланишингиз керак. Ўқишга кириб олинг, кейин...

Саттор шошилиб институтдан чиқди-ю, кун иссиқлиги учун терга ботганча, «уф, уф»лаб ётоғига етиб келди; эшикни тортиб кўрса, ҳали ҳам ҳамхоналари йўқ. «Қоровул чол айтмоқчи:—ҳамма дарс билан банд... Мен бўлсам, битта ҳужжат топширганимга шунча ҳовлиқиб юрибман...» Калитни олиб, уйни очди. Кун оғиб, энди бинонинг бу томонига ўтгани учун ҳозир иккала деразадан бамисоли олов ёғилаётгандай хона қизиб кетган эди. Саттор битта деразани очди, ташқаридан лоп этиб иссиқ ҳовур кирди; дарров ёпди. Боя ёзиб кетган қоғози қўйган жойида турибди, уни йиртди-да, аммо қаерга ташлашини билмай, аҳлат идиши йўлакдадир, деган хаёлда ташқарига чиқди. Ё тавба!!! Йўлак бурилишида алюмин чойнак кўтариб... у боя йўлда уриб юборган қиз кетяпти! Ўшамикин ёки ўхшатдимми!!. Ўша, ўша! Ҳатто кўйлаги ҳам ўша! Югуриб хонасига кириб, чойгумни чайқаб кўрди. Суви тўла бўлгани учун қопқоғидан тошиб, полни ҳўл қилди. Стаканларга қуйса ҳам чойнак ҳатто яримламади. Деразани очди-да, бўйнини чўзиб пастга қаради: ҳеч ким йўқ. Шарт чойнакни ағдариб юборди. Сув асфальтга шалоплаб тушган заҳоти пастдан кимдир «ҳой, аҳмоқ, бутун дафтар-китобим расво бўлди-ку» дея қичқирди. Саттор деразани ёпди-ю, пастга қулоқ солиб турди. Нимадир қарсиллади. Саттор дамини ичига ютганча энди йўлакка қулоқ солди. Деразадан кўрган бўлса, ҳозир чиқиб тоза изза қилади деб кутди. Лекин ҳеч ким келмади. Секин эшикни очиб, бўш чойгумни кўтарганча студентлар овқат пиширадиган умумий ошхона томонга шошилиб кета бошлади. Борса: ҳеч ким йўқ. Ёндаги хонага ҳам бош суқиб кўрди. Ҳарбийдан бўшаган найнов бир йигит бўш чойгумга шариллатиб сув тўлатаётган экан. Сатторга бирдан алам қилди. Ҳозиргина кўргандим-я!..

Хонасига қайтди. Чойнакни қўйиб кароватига ўтирди. Юраги ҳовриқиб, яна йўлакка қаради: ҳеч ким йўқ. Худди биров мажбурлаётгандай зўрға адабиёт дарслигини қўлига олди. Биринчи имтиҳон — она тили ёзма. Мактабда унга «Кутлуғ қон» романидаги Йўлчи образи тушган эди. Ҳозир деярли ҳар бир ёзган сўзи эсида турибди. Агар ўша мавзу тушсами, тайёрланишининг ҳам ҳожати йўқ. Саттор китобни лоқайд бир кайфиятда ширр-ширр варақлаб ўтираркан, хаёли бояги қизда эди. «У ҳам шу институтга кираётган экан-да!..» Ўзидан-ўзи севиниб, яна йўлакка чиқди. Қўл ювиш баҳонасида ошхона томонга ўтди. Уни учратмади...

Саттор хонага қайтиб, яна китобини олди, яна ташлади... Охири апил-тапил кийинди-да, кўчага отланди. Чиқавеpишдаги дарахт соясига бориб турди-да, троллейбусдан тушаётган одамларга разм солди: асосан шаҳарликлар; студентлар, абитуриентлар кўринмасди. Троллейбус энди кўзғалай деётганда бояги ҳарбий формадаги найнов йигит қизил шойи кўйлакли, почасига гулдор жияк тикилган пак-пакана бир қизча билан бошлашиб чиқди-ю, троллейбусга деярли осилиб улгуришди.

— Ҳа! Сатторжон, йўл бўлсин!

Саттор ўгирилиб қараса: Ҳакимжон. Самимий кўришишди. «Қалай, уйлар яхши эканми!» «Раҳмат, раҳмат...» «Бирон ёққа бормоқчилармиi» «Йўқ, зерикиб, шунчаки бир ташқарига чиққаним...»

— Сатторжон, — деди Ҳакимжон хонага киргандарида, газета остидаги буханка нондан бир парча учириб оғзига соларкан, —анови шеригимиз кеч келади нуқул. Хоразмдан шекилли. Бир гаплашиб олиб, шерикчилик билан ўзимиз қозон қайнатмасак, қачонгача ошхонага югурамиз. Ҳамма шундай қилар экан, навбатма-навбат.

Саттор Ҳакимжоннинг уддабурон йигитлигини биринчи учратгандаёқ сезган эди. Ҳозирги гапи ҳам маъқул тушди унга.

— Аммо мен овқат пиширишни билмайман.

— Ташвиш тортманг! —Ҳакимжон каттароқ тишлам нонни ғиқ этиб қийналиб ютди. — Ўргатаман. Сизга бир ош дамлаб бераркманда, бундан чиқди. Девзирага.

— Майли.

— Э, ошхонадаги жононларга қараб турсангиз —бас, устаси фаранг бўлиб кетасиз. Бунинг ҳам гашти бор-да ўзича. Ҳаммаси турнақатор тизилишволиб, бизга навбат ҳам тегмайди. Қизлар еб бўлганда биз ёғ қиздира бошлаймиз.

— Ҳали овқат ҳам қилиб улгурдик денг!

— Ие, бўлмасам-чи!! Ҳафтада бир паловхонтўрадан емасангиз — яшамадим деяверинг бу оламда. Жононлар ҳам тан беришган. Ош қилишса, «Ҳакимжон, тузини кўриб беринг» деб жонҳолимга қўйишмайди. Рўпарамизда биттаси бор, мана бундай— Ҳакимжон бош бармоғини ҳавога нуқди.

— Ўзи Чиноз деган жойдан шекилли. Ҳали кўрасиз. Чинози бу ердан узоқми!..

Бурчакдаги кароватни эгаллаган ҳамхоналари Ҳакимжон айтгандек жуда кеч келди; чамаси соат ўн иккилар эди. Аввалига эшик қирс этиб очилди-да, чироқ ёнди. Остонада оқ жужунчадан украинча кўйлак кийиб, енгини шимарган, қоратўри, ўрта бўй, сочлари типратиконга ўхшаш қаттиқ, энгаги узун, кўзлари чуқур ботган, ёши ҳам Ҳакимжон ва Саттордан анча катта бир йигит турарди. У аввал Ҳакимжон ухлаб ётган кароватга, кейин Сатторга назар ташлади. Саттор чироқдан кўзини беркитиб, кирувчига қаради. У бош ирғаб саломлашган бўлди-ю, нимадир деб шивирлади. Саттор чироққа орқа ўгириб ётиб олди. Йигит анча вақтгача қисир-қисир хонани айланиб, йўталиб юрди-да, охири чироқни ўчириб, ўзини кароватига ташлади. Саттор баттар уйқуси қочиб, ғира-шира деворга бақрайганча тикилиб ётаркан, «ўлгудай тўнг одамга ўхшайди» деб қўйди ичида...

Эрталаб яна қитир-қитир овоздан уйғониб кетди. Қараса, ўша йигит: озғинлигидан кўйлагининг орқасидан кураги билиниб турибди, ёз бўлса ҳам йўталяпти. Стаканга чой қуйиб, кетма-кет қайтараркан, Сатторнинг уйғонганини сезиб, унга кулимсираб боқди ва чўнтагидаги чақаларини шиқирлатиб [биров билан гаплашгандаги одати— буни Саттор кейин билди]:

— Қани подъем, жўра! —деди ва столга ёзилган газета-дастурхонга имлади. — Галинг, бир чой ичали.

Саттор туриб шимини кийди-да, сочиқ, совунини олиб, майкачан йўлакка чиқаётган эди, янги ҳамхонаси уни тўхтатди:

— Қизлар бор, кийиниб олинг.

Саттор умумий ювиниш хонасига кирса, ғувур-ғувур авжида, шарр-шурр жўмрак овозлари ва чойгум қопқоқларининг тақирлаши эшитиляпти. Кўпроқ ўғил болалар, бир-иккита қизлар ҳам бор; елкаларига сочиқ ташлаб олганларича бири тишини тозалаяпти, бири ёнидагиларга сув сачратиб шап-шап ювяпти, бир хиллар эса навбат кутиб четда туришибди. Саттор кўзи жавдираб қизларга қаради. Лекин кечаги қиз йўқ барибир. «Эҳтимол, дугонасининг олдига келганми!.. Наҳотки, бошқа учратмасам уни!»

Саттор хонага қайтганда Ҳакимжон кароватига узала тушганча кўзи китобда, бир бурда нон кавшар; анови йигит эса ҳалиям шошилмай чой ичиб ўтирар, Саттор кириши билан «марҳамат» дегандай бўш стулга қараб қошини учириб қўйди. Саттор сочиғини кароватига ташлаб, тумбочкасини очди ва кеча кеннойиси бериб юборган нарсаларни бир-бир столга олиб қўя бошлади: тўртта патир, беш-олтита пиширилган тухум, сопол товоқда ош, бир килоча туршак... Кейин Ҳакимжонни ҳам чойга таклиф қилди.

— Танишиб олсак, исмим Саттор.

— Ражаббой, —деди йигит ўрнидан туриб. Ҳакимжонга у ҳам «келинг» дегандай имо қилди. Уччовлари биргалашиб, чой ича бошладилар. Серҳўхот, серзабзи совуқ паловни галма-галдан товоқда қўл узатиб ошашар экан, Ражаббой бошини сарак-сарак чайқаб:

— Уй овқатини емаганимга ҳам анча бўлди,— деди товуши майинлашиб. Дим соғиндим. Онангиз пиширган бўлсалар керак, билиниб турибди.

Саттор бошини қимирлатиб:

— Йўқ, — деди кулиб. — Сизларда янга дейдими, янгам пиширган. Ойим ўлганлар.

— Э, шундайми!— деди Ражаббой томоғига тиқилай деган ош луқмасини ютаётиб. — Менинг онам ҳаёт. Аммо уч йилдан бери кўрмайман.

—Армиядан тўғри ўқишга келганмисиз!

Ражаббой газета четидан бир парчасини йиртиб олди-да, бармоқлари, лабларини артаркан, «йўқ» дея бош чайқади. Иссиқ чойни ўчакишгандай хўриллатиб-хўриллатиб ичди ва «раҳмат», жўра, дим мазали бўлибди» деб ўрнидан турди. Кароватига ўтириб, китоб ва конспектларини тита бошлади. Кейин:

— Қасд қилганман, жўралар! — деди худди ўчакишгандай аввал Сатторга, сўнг Ҳакимжонга қараб.— Кираман деб қасд қилганман филологияга. Журналист бўлмоқчиман. Уч йил йиқилдим. Уйга боришга юз чидамади. Бизда ўқишга кетди деган одам қайтиб борса — тамом. Уйимдагиларни «ўқишга кирдим» деб алдадим. Аммо ҳозир билишади. Ҳаммага «ўқияпти» дейишади. Мен мана тўртинчи йил уриняпман. Бир йил Мирзачўлда ишладим. Бор-е, деб, Қозоғистонга кўриққа кетишни ҳам ўйладим, докторлар рухсат бермади, ревматизмнинг бор деб. Бу йил Тошкентда қурилишда, ученик бўлдим. Бешинчи разрядман. Ўқишга кирмагунимча қўймайман. Кирсамгина уйга бораман.

Саттор ҳам, Ҳакимжон ҳам Ражаббойнинг ўжарлигими, қатъиятими... ишқилиб унга бир жиҳати ҳайрон бўлиб, бир жиҳати пинҳона ҳавас билан тикилиб қолишди.

— Ўн йил бўлса ҳам келавераман! То кирмагунимча қўймайман! — деди Ражаббой китобини силтаб варақларкан. — Онам уйлантираман деганига уч йил бўлди. Менга бешиккерти қилинган қиз иккита бола кўрди. Ўқишга кирмагунча уйланмайман! Аввал ўқишга.

— Севиб қолсангиз-чи!— деди Саттор баттар унга ҳайратланиб қараб.— Севиб қолсангиз ҳам уйланмайсизми!

Ражаббой қўл силкиди:

—Йўқ! Ўша унашган қизимни еттинчи синфдан... —Ражаббой бирдан ғамгин тортди. —Ақл кирмай уйланишдан нима фойда!

— Севги кутиб турмайди-ку, ахир— дея Ҳакимжон ҳам гапга аралашди. — Ўша қизни севганмисиз ўзи!

Ражаббой Ҳакимжонга «э, сен нимани биласан» деган маънода ғалати тикилди, кейин меровсирагандай илжайиб қўйди. Яна китобини ўқий бошлади. Бирдан уни тумбочка устига улоқтириб:

— Барибир оламан! —деди циркчилардай бир ирғиб кароватига ўтираркан. —Барибир оламан уни! Ўқишга кираман, битираман! Кейин уни оламан! Ҳозир иккита боласи бор. Лекин ўнта бўлса ҳам барибир оламан!

— Борди-ю, у хоҳламаса-чи!— беихтиёр сўради Саттор.

— Хоҳлайди!!!

Саттор бундай одамни биринчи учратиши эди. Тўрт йил сурункасига битта ўқишга кирамай деб келавериш... Сатторга бу йигитнинг қийинчиликлар билан ўчакишгандай, уларни писанд билмаслиги ҳайрон қолдирди.

[Давоми бор].

[Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида].

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА
ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ЖОНТОЙНИНГ ҚАСАМИ»



Сценарий муаллифи — Р. ТЮРИН.
Режиссёр — А. ҚОБУЛОВ.
Ролларда: К. МИРҲОДИЕВ Д. ҲОШИМОВ, Ҳ. УМАРОВ, Н. РАҲИМОВ, Л. КУЛАГИН, Р. ТКАЧУК ва бошқалар.

Фильм Ўрта Осиёда доҳиймиз В. И. Ленинга ўрнатилган дастлабки ёдгорликлардан бирининг бунёд этилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмнинг бош қаҳрамони — Гражданлар урушининг қатнашчиси, оддий деҳқон Жонтой. Жонтойнинг ҳамқишлоқлари ёдгорлик учун пул тўплаб, уни ва ботир Мерганни ҳайкалтарош топиш ва буюртмани бажариб беришга унинг розилигини олиш учун Москвага юборишади.

Топшириқ бажарилади, аммо уйга қайтаётганда йўлда Жонтой ва Мерган билан бирга келаётган карвонга босмачи тўдалар ҳужум қилади. Жангда оғир яраланган тасодифан тирик қолган Жонтой не машаққатлар чекиб ниҳоят ҳайкални ўз она қишлоғига олиб келади.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ТАЛВАСА»

Сценарий муаллифлари — С. ЛУНГИН, И. НУСИНОВ.
Режиссёр — Э. КЛИМОВ.
Ролларда: А. ПЕТРЕНКО, А. РОМАШИН, В. ЛИНЕ, А. ФРЕЙНДЛИХ, Л. БРОНЕВОЙ, Л. РАЙКОВ ва бошқалар.

Фильм ҳалокатга маҳкум этилган Россия монархиясининг сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қилади. Фильм муаллифлари иерархия давлат ҳокимияти энг олий зодагонларининг сиёсий ва ахлоқий турмушини рўй-рост очиб ташлайдилар, портлаш олдида турган давлат бошқариш машинасининг очиқ-ойдин ва яширин дастакларини кўрсатиб берадилар.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали — «ЎЗБЕКИСТОН ГИЛАМЛАРИ ВА СУЗАНАЛАРИ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ

МУЗЕЙ ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ОЧИҚ; душанба куни соат 10.30 дан 15.00 гача ишлайди. дам олиш куни — сешанба.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ОЛДИНДАН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 16-уй. Телефон 33-02-56.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

Трамвай ва троллейбусларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5-6 ОЙ.
Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.
ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.
Улар шаҳар электр транспортидан бепул фойдаланадилар.
МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЎҚУВ КОМБИНАТИ — Тошкент шаҳри, «Новий путь» кўчаси, 180-«а» уй (1, 2, 10-трамвайлар; 25, 40, 61, 161-автобуслар билан борилади);

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Гайдар кўчаси, 68-уй (1-трамвай ва 61, 161-автобуслар билан борилади);

2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй (7, 8, 11-трамвайлар ва 1, 8, 18-троллейбуслар билан борилади);

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (1, 5, 13, 28-трамвайлар; 1, 3, 8, 13, 16-троллейбуслар ва 2, 3, 25-автобуслар билан борилади);

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Пионер кўчаси, 4-уй (4, 9-трамвайлар; 2, 6, 11, 13-троллейбуслар билан борилади).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СОКОЛ ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ ТЕХНИКУМИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариши (техник-технолог), ёғоч плиталар ва пластиклар ишлаб чиқариши (техник-технолог, целлюлоза-қоғоз корхоналари ва ёғоч-химия саноати асбоб-ускуналари (техник-механик), бухгалтерия ҳисоб-китоби (бухгалтер), ёғоч-химия ишлаб чиқариши (техник-технолог), целлюлоза-қоғоз корхоналари ва ёғочни қайта ишлаш саноатида планлаштириш (планлаштирувчи техник), саноат корхоналарининг электр асбоб-ускуналари ва қурилмалари (техник-электрик), целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноатида автомат қурилмаларидан фойдланиш (техник-электромеханик).

ЎҚИШГА 8-10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-10-синфларни 4 ва 5 баҳоларга тамомлаганлар техникумга (план бўлимидан ташқари) имтиҳонсиз қабул қилинади.

Барча техникумларга ўқишга киришда лозим бўлган ҳамма ҳужжатлар директор номига ариза билан юборилсин.

Техникум адреси: 162100, Сокол шаҳри, Вологда области, Советский кўчаси, 47-уй. Телефонлар: 2-13-71.

Ўқишга кириш учун темирйўл транспорти орқали келувчилар билетни Сухон станциясигача (Москва орқали Ярославль вокзалидан) **оладилар.**

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ ЁТОҚХОНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг
39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985—86 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ВА МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИ, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА АСБОБЛАРИ ВА ДЕТАЛЛАРИНИ СИНОВЧИ, РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА АСБОБЛАР МОНТАЖЧИСИ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшайдиган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати 8—10 ой. Уларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия тўланади. Билим юртини битирганларидан сўнг эгаллаган касблари бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати—3 йил. Улар билим юртини битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом оладилар. Ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал овқат билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти спорт базасига эга.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

8-синф ҳажмида маълумотлилар группасида машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Ўрта маълумотлилар группасида машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Весна кўчаси, 17-уй (12, 37, 68, 80, 81, 106, 183-автобусларнинг «Узбум» комбинати», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШАЙДИГАН, 8 ВА 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикувчи-мотористка, тикув буюмлари контролёри, тикувчилик ишлаб чиқариш бичиқчиси, трикотаж буюмларини тикувчи-мотористка.**

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР 3 ЙИЛ ЎҚИЙДИЛАР ВА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАЛЛАЙДИЛАР. Улар кийим-бош ва бепул овқат билан таъминланадилар.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР 1 ЙИЛ ЎҚИЙДИЛАР ВА ҲАР ОЙДА 30 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ОЛАДИЛАР. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатида тикувчилик ихтисосини эгаллаган ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 6 ой. Уларга ҳам 30 сўмдан стипендия берилади.

ҲАММА ЎҚУВЧИЛАРГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШЛАБ ТОПГАН МЕҲНАТ ҲАҚЛАРИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар (битирувчилардан 10 процента) **олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқиш учун йўлланма оладилар.**

БИЛИМ ЮРТИ ЎҚУВЧИЛАРИ ТИКУВЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ТЎГАРАКЛАРИДА ҚАТНАШИШЛАРИ ҲАМДА КОРХОНА БАЗАСИДАГИ САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЙ ВА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-«а»-уй (1, 2, 24, 26-трамвайлар; 1, 3, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60 э, 80 э-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати, метронинг «Ойбек» станцияси).

МАИШИЙ ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ— БЕБАҲО ЁРДАМЧИЛАРДИР

«ТАШХОЗТОРГ»нинг
5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» МАГАЗИНИДА

БИЗНИНГ ТУРМУШИМИЗГА КЕНГ СИНГИБ КЕТГАН МАИШИЙ ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ — КОНДИЦИОНЕРЛАР, ХОЛОДИЛЬНИКЛАР, ПИЛЕСОСЛАР, ЭЛЕКТР ПЛИТАЛАР, САМОВАРЛАР

СОТИЛМОҚДА

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй. Иш соатлари —10 дан 19.00 гача. Танаффус —14.00 дан 15.00 гача. Душанба— дам олиш куни.



«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«ЛОТОС» ВА «БИО-С» ТЕЗ ВА ОСОН КИР ЮВАДИ

«ЛОТОС» ВА «ЛОТОС-АВТОМАТ» КИР ЮВИШ ПОРОШОКЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ ГАЗ ЛАМАЛАР — КАНОП, ИП ГАЗЛАМА, ШОЙИ, ЖУН ВА СИНТЕТИК МАТОЛАРНИ ОРАСТА ЮВАДИ.

Оқ чойшаблар ва ички кийимлар бу порошоклар билан ювилгандан кейин синкалашга ўрин қолмайди.

«ЛОТОС-АВТОМАТ» — КАМ КЎПИРАДИ. У турли кир ювиш машиналарида бемалол ишлатилади.



«БИО-С» порошогига биологик моддалар қўшилган бўлиб, у ҳар қандай доғларни яхши кетказади. Айниқса каноп, ип газлама, сунъий синтетик ёки ана шу толалар аралаштириб тўқилган газламали буюмларни яхши ювади.

Сувнинг ҳарорати 60 даража иссиқдан ошмаслиги лозим. Ана шунда порошокнинг самарали таъсири яхши бўлади.

Бу порошок ўрин-кўрпа ғилофлари ва оқ дастурхонларни ювишда жуда ҳам қўл келади.

«УЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«Средазэнергомонтаж» трести Ўзбекистон монтаж бошқармасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ 4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР 15 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида курсантларга ойига 96 сўм стипендия тўланади. Курсларни тамомлагач, уларга 3-4 разрядли электр пайвандчи ихтисоси берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилади ва ўз касби бўйича иш билан таъминланадилар. Улар Ўзбекистон монтаж бошқармасидан ташқари Олмаота, Фрунзе, Жамбул, Қарағанда, Павлодар, Усть-Каменогорск, Ангрен шаҳарлари монтаж бошқармаларига бориб ишлашлари мумкин.

Иш даврида электр монтажчиларга тариф ставкасининг 75 процента ҳажмида қўшимча ҳақ ва тариф ставкасининг 15 дан 60 процентига қадар доимий коэффициент тўланади.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги телефонга қўнғироқ қилиб, кадрлар бўлимига мурожаат этилсин: 66-23-26.

КИНО

13 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА»— **Санъат саройи** (катта зал 17, 19.45, телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТУТСИ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ЁЛҒИЗ ВА ҚУРОЛСИЗ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СОДИҚ ҚЎЛ—ҲИНДУЛАР ДЎСТИ»— **Ватан** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ—ҲИНДУЛАР ДЎСТИ», «ЧИНГАЧГУК — «УЛКАН ИЛОН» — **Хива** (22.00).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (18.30, 20.45; телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК» —**Қозоғистон** (17, 18, 20,00, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТЎРТ ҚЎЛ УЧУН ЎИН» — **Москва** (тоқ соатларда).

«ДАВОМ ЭТАВЕР, МАФТУНКОРЛИК»—**Восток** (жуфт соатларда, 21.30), **С. Раҳимов номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ»— **Дружба** (тоқ соатларда).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» —**Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

14 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал 11.45, 14, 17, 19.45; телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02), **Ватан** (13.30, 16, 18.30, 21.00), **Москва** (14, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ»—**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ЁЛҒИЗ ВА ҚУРОЛСИЗ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ҲҲ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Нукус** (тоқ соатларда).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61, сўнгги сеанс 21.30 да).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ», «ЧИНГАЧГУК — УЛКАН ИЛОН» — **Хива** (22.00).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК» —**Қозоғистон** (11 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ДАВОМ ЭТАВЕР, МАФТУНКОРЛИК» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«ТЎРТОВЛОН КАРДИНАЛГА ҚАРШИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** (16, 18, 19.30, 21.00; телефон 48-46-71).

Тошкент область Тошкент районидаги 24-ўрта мактаб томонидан **Талипова Мамлакат Абдуахатовна** номига берилган 207969 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташплодоовощ» бирлашмасининг йўқолган 547926-547950 номерлардаги йўқолган
АВАНС ДАФТАРЧАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги «Ташстроймateриали» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-Тошкент ғишт заводлари бошқармасининг йўқолган
ГЕРБЛИ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

пайшанба

13 ИЮНЬ

● МТ I

18.10 «БАМ қурилиши давом этмоқда». Бурятия ва Амур областидаги БАМ зоналарининг ўзлаштирилиши ҳақида.
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. 1/4 финал. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.05 Украина Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Кобза» халқ куйлари ансамбли ижро этади.
20.25 Москвада балет артистлари V Халқаро конкурсининг очилиши. А. Глазуновнинг «Раймонда» балети. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
21.30 «Время».
22.05 А. Глазунов «Раймонда» балетининг давоми.
23.15 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. Л. Ошанин.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Клин шаҳар ойна заводи клубининг духовой оркестри ижро этади.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Хўтик ва офтобжон». Мультфильм (ЧССР).
20.50 Самбо кураши бўйича СССР чемпионати.
21.10 «Ҳар нарсага қодир елим». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-ва 4-сериялар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Довюрак Робин Гуд». Кўғирчоқ фильм.
18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
19.00 «Дўстлик поездаи». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати П. Қодиров олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун». «Жаҳон ёшлиги—тинчлик учун курашда» (рус.).
22.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Математика.
18.40 Реклама.
18.50 «Классик куй саҳифалари».
19.30 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қизил велосипед». Телевизион бадиий фильм (рус.).

ЖУМА

14 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Закарпатье жилолари».
10.25 Қадимий куйлардан концерт.
10.55 «Мактаб остонасида». Телефильм.
11.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Эҳтиёж + иқтисод», «Чиқиндилар ва даромадлар», «Лазернинг касби бор».
16.05 Жанубий Африка Африка миллий конгрессининг «Амандла» ансамбли ижро этади.
16.30 «Рус тили».
17.00 В. Шебалин. 3-симфония.
17.45 Россияда 1905—1907 йилларидаги революциянинг 80 йиллигига. «Тарих саҳифалари». «Уз бурчингни ўташ учун...» РСДРП III съезди ҳақида.
18.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.00 «Агар соғлом бўлай десанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.10 Халқаро конкурслар лауреати А. Мельников чалади (скрипка).
20.40 «Болалигимиз цирки». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Гундарева ҳамда М. Неелова ижоди ҳақида.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
10.15 Мамлакат телевизион студияларининг ҳужжатли фильмлари.
11.00 «Билимимиз —қудратимиз». Тележурнал.
11.45 «Постим Тундрада». Телефильм.
12.10 Мультфильмлар: «Жонли ўйинчоқ», «Оқпадар тўтининг қайтиши», «Қувноқ карусель», «Ёлғончилар қасри».
12.55 Н. Бирюков. Ижод саҳифалари.
13.25 Инглиз тили.
13.55 «Филча—турист». Владимир область Кўғирчоқ театри фильм-спектаклининг премьераси.
14.45 «Андрей Эшпай. Музикада портрет». Фильм-концерт.
15.40 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Онамларнинг мактаби».
19.15 Р. Харисов куйлайди.
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 Социалистик мамлакатлар «Дўстлик кубоги» учун автокросс бўйича халқаро мусобақалари. Огре шаҳридан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Хўтик ва қанотча». Мультфильм (ЧССР).
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 «Федоскино. Рассомлар диёри». Телеочерк.
21.30 «Время».
22.05 Олти сериали телевизион бадиий фильм. 5- ва 6- сериялар.
23.50 Москвадаги Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати П. Донохоу чалади (Буюк Британия).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
11.45 Болалар учун. «Бойчечак».
12.15 «Кинопублицист экрани» (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан» (рус.).
19.00 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Кинередакция почтасидан».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахта ва тола».
22.30 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Физика.
18.40 «Темир-терсак можароси». Ҳужжатли фильм.
18.50 «Авлодлар биографияси» (рус.).
19.20 Тошкент янгиликлари.
19.40 А. Островский. «Барно йигит». Мажидий номли Каттақўрғон театрининг спектакли.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
13 ИЮНЬ 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
—(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 12323. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.